Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 161 (3662)
18 СЕШАНБА
ИЮЛЬ 1978 Й.
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлади
Баҳоси 2 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ТОНГГИ ГАЗЕТАЛАРДА

● Кеча Москвада пойтахт касаба союзлари активининг КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг «Кичик ер» ва «Тикланиш» китоблари муҳокамасига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

Йиғилишда Москва шаҳар касаба союзлари советининг раиси Л. В. Петров нутқ сўзлади.


● Газеталарда «Колхозлардан олинадиган даромад солиғи тўғрисида» СССР Олий Совети Президиумининг Фармонига баъзи ўзгартишлар киритиш тўғрисида СССР Олий Совети Президиумининг Фармони эълон қилинган.

● Учишни бошқариш маркази, 17 июлда Владимир Коваленок билан Александр Иванченковнинг «Салют-6» — «Салют-29» — «Прогресс-2» космик комплекси ичида иш бошлаганликларига бир ой тўлди.

17 июлда «Кристалл» установкасида биринчи технологик эксперимент поёнига етказилди. Уни «Прогресс-2» кемаси «Салют-6» станциясига етказган эди. Экспериментдан мақсад ним ўтказгич материал олишдир.

Медицина контроли маълумотлари ҳамда экипажнинг докладларига кўра Владимир Коваленок билан Александр Иванченковнинг соғлиқлари яхши ва улар ўзларини яхши ҳис қилмоқдалар.

Ер атрофи орбитасидаги илмий-тадқиқотлар программаси муваффақиятли бажарилмоқда.



Асбобсозлик заводида кўплаб ишлаб чиқариш илғорлари меҳнат қилишади. Дарвин Мустафоев ҳам ана шундай илғор ремонтчилардан бири. У смена топшириқларини 120— 130 процент адо этиб, ҳамкасбларига ўрнак бўлмоқда.

СУРАТДА: Д. Мустафоев.

ЗАРБДОР МЕҲНАТИМИЗ, ИЖОДИЙ ИЗЛАНИШИМИЗ — БЕШ ЙИЛЛИККА

ЯНА БИР МАРШРУТ

Шаҳримиз аҳолиси ва меҳмонларига яна бир қулайлик яратиб берилди. Темир йўл вокзалидан «Тошкент» автостанцияси бўйлаб кичик автобусларнинг янги маршрути очилди.

Бу маршрут ҳаво, темир йўл, автомобиль транспорти билан бошқа шаҳарларга борувчи кишилар учун айни муддао бўлди. Кичик автобуслар «Самарқанд» автостанцияси ва Тошкент аэропорти орқали ўтмоқда.

Ригадаги кичик автобуслар ишлаб чиқариш заводида тайёрланган янги машиналарнинг бештаси ана шу маршрутга қўйилди.

ГРАФИКДАН ЎЗИБ

«Главташкентстрой» 153- қурилиш трестининг 3- қурилиш бошқармасидаги Вячеслав Коваленко бошлиқ комплекслашган коммунистик меҳнат бригадаси коллективи шу кунларда Фрунзе районидаги Богдан Хмельницкий кўчасида 280 ўринли 7- болалар боғчасининг биноси қурилишини графикдан бир ой ўзган ҳолда олиб бормоқда.

Шу кунларда бинонинг иккинчи қаватидаги ригеллар монтаж қилинаяпти. Ғишт терувчи Галина Ефремова, дурадгор Николай Давиденко ва бошқалар кундалик нормаларини 125—130 процентдан адо этишмоқда. В. Коваленко бошлиқ бригада СССР Конституциясининг бир йиллигини муносиб армуғонлар билан кутиб олиш мақсадида социалистик мусобақани кенг авж олдириб юборди. Қурувчилар кунигача бу объект пардозлашга топширилади. 4- кварталда эса қурилиш ишлари батамом ниҳоясига етади.

● Мусобақа кундалиги


ИЖОДИЙ ҲАМКОРЛИК САМАРАСИ

Тошкентдаги агрегат заводининг биринчи механика цехида станоклар бир маромда гувуллаб турибди. Аббос Валихонов бошлиқ комсомол-ёшлар бригадасининг олти йигити бир операция кетидан иккинчисини аниқ бажармоқда. Ярқироқ металл гильзалар — тракторнинг ортдаги кўпригига ишлатиладиган деталлар тартиб билан тахлаб қўйилмоқда. Битта, иккита, учта гильза... Ниҳоят иш кунининг охирида нормадаги 120 та ўрнига бир юз ўттизта металл гильза тайёр. Ёшлар коллективи социалистик мажбуриятларнинг муҳим моддаларидан бирини муддатидан илгари бажарди!

Инженерлардан Нина Денисова билан Эркин Сайфиев бу муваффақиятни қўлга киритишда бригадага кўмаклашдилар. Станокчилар улар билан биргаликда ускуналарни участкада жой-жойига қўйишнинг энг мақбул йўлини ишлаб чиқдилар ва жорий этдилар. Станоклар технологик босқичларининг навбатига қараб тартиб билан қўйилган. Деталлар бир станокдан иккинчи станокка механик транспортерлардан ўтади. Ишни қайта планлаштириш деталларни ортиқча ташишдан қутилиш имкониятини берди, қўшимча ускуналар ўрнатиш учун майдончалар бўшатилди. Токарлардан Ботир Раҳимов, Анатолий Тошпўлатов кўп станокларни ишлашга кўчирдилар.

Бунда ҳам инженерларнинг яна ёрдами тегди. Улар ускуналарни айланиб ўтишнинг оқилона маршрутларини тузиб бердилар.

Участкада технология жараёнини тартибга солиш бригадага маҳсулот сифатини яхшилашга кўпроқ эътибор қилиш имконини берди. У ёки бу станокка заготовкаларни бир меъёрда етказиб бермаслик ҳоллари такрорланмайдиган бўлиб қолди. Мана энди ҳар бир гильзада коллективнинг белгиси — маҳсус тамғаси турибди. А. Валихонов бошлиқ бригада одатдаги контролга кўрсатмай ўз маҳсулотини топшириш ҳуқуқига эга бўлди.



«Қизил тонг» тикувчилик бирлашмаси назоратчилари сифат учун нурашда жонбозлик кўрсатмоқдалар. Техника назорати бўлими назоратчиси Антонина Котова ҳам ана шундай жонкуярлардан бири.

СУРАТДА: А. Котова газлама сифатини кўздан кечиряпти.

Р. Загратдинов фотоси.

ЗАВОДДА ЎҚИШМОҚДА

Мана бир неча йилдирки, «Ташсельмаш» заводи мамлакат пахтакорлари учун пахта териш машиналаригина эмас, балки кўплаб малакали механизаторлар ҳам тайёрлаб беряпти. Ҳозиргача пахта териш машиналари механик-ҳайдовчилари курсларини 150 дан ортиқ механизатор битириб чиқди.

Курсларда Қозоғистон, Туркманистон, Қирғизистон, Озарбайжон ва Тожикистон механизаторлари ҳам ўқишмоқда.

ШАҲРИМ — ФАХРИМ

КЎРКАМ БЎЛМОҚДА

Пойтахтимизнинг Куйбишев райони қиёфаси кун сайин гўзаллашиб бормоқда. Район ободонлаштириш бошқармаси кўчалар ва проспектларни жорий ва капитал ремонтдан чиқариш, гулзорлар ва чимзорлар бунёд этиш ишига алоҳида аҳамият беряпти.

Ҳозир райондаги Красновосточная кўчасининг атрофлари ободонлаштирилиб, ҳар томонлама гўзаллаштирилмоқда. Ирригация ва гидротехника иншоотлари трестининг ободончилари бу ерда кўчалар атрофига ёмғирлатиб суғориш мосламаларини ва суғориш ариқлари ўрнатиш ишларини олиб боришмоқда. Кўча атрофидаги йўлкалар асфальтлаб бўлинди. Йўлкалар ва йўл ораси эса чимзор қилинди.

«Гордорстройремонт» трестига қарашли 3-ремонт қурилиш бошқармаси йўлсозлари эса райондаги Свердлов кўчасини асфальтлаш, йўл четларига тўсиқлар ўрнатиш ишларини олиб боришмоқда. Бу иккала кўчада капитал ремонт ишлари ниҳоясига етгач транспорт ҳаракати учун катта қулайлик яратилади. Райондаги бошқа кўчаларда ҳам ободонлаштириш ишлари жадал амалга оширилмоқда.

ЕШЛАР ВА СТУДЕНТЛАРНИНГ XI ЖАҲОН ФЕСТИВАЛИ ОЛДИДАН

ОЗОДЛИК ОРОЛИ ЧОРЛАЙДИ

БИЗНИНГ ИНТЕРВЬЮ

Бир неча кундан кейин озодлик ороли — Кубада ёшлар ва студентларнинг XI жаҳон фестивали тантанали суратда очилади. Катта анжуманга республикамиз ёшлари ҳам зўр тайёргарлик кўришди. Фестивалга борувчи Ўзбекистон ёшлари делегацияси меҳнатда, ўқишда, жамоат ишларида ва спортда энг яхши кўрсаткичларга эришган ёшлардир. Делегация аъзоларининг дастлабки гуруппаси яқиндагина Гаванага жўнаб кетган эди. Тез кунларда делегациянинг бошқа аъзолари ҳам озодлик ороли сари йўл олишади. Шу муносабат билан мухбиримиз Ўзбекистон Ёшлар ташкилотлари комитети раиси, делегация аъзоси Турсуной Алламбергеновна ЕШИМБЕТОВА билан суҳбатлашди.

— Турсуной Алламбергеновна, Ўзбекистон ёшлари XI жаҳон фестивалига қандай тайёргарликлар кўришди?

— Республикамизда фестивалга тайёргарлик аллақачон бошланган эди. «Биз — ватанпарвар интернационалистлармиз» шиори остида ўтказилган республика фестивали комсомол-ёшлари и н г меҳнат ва ижодий активлигини ёркин намойиш этди. Унинг Тошкентда ўтган якунловчи қисми ҳақиқий байрамга айланди. Барча иттифоқдош республикалар, Москва ва Ленинград шаҳарлари, Иваново ва Новгород областларидан келган ёшлар фахрий меҳмонимиз бўлишди. Учрашувлар, митинглар, спорт байрами, оммавий сайиллар, конкурслар, дўстлик концертлари уюштирилди.

Фестиваль шарафига ўтказилган шанбаликларни ҳам эслатиб ўтишни истайман. Ўтган йили 25 июндаги шанбаликда фестиваль фондига 1 миллион 200 минг сўм ўтказилган эди. Бу йил 24 июнь куни ўтказилган комсомол-ёшлар шанбалигида 3 миллион 300 минг йигит ва қиз қатнашди. Шу куни 6,5 миллион сўмлик саноат маҳсулоти ишлаб чиқарилиб, 1 миллион 741 минг сўм фестиваль фондига ўтказилди.

Бу тадбирлар ёшларимизнинг жаҳон фестивалига кўтаринки руҳ билан тайёргарлик кўрганликларини кўрсатади.

— Маълумки, «Империализмга қарши бирдамлик, тинчлик ва тараққиёт учун» шиори остида Бутуниттифоқ катта тадбирлари ўтказилди. Шу тадбирларда республикамиз ёшлари қандай иштирок этдилар?

— Ўзбекистон ёшлари Бутуниттифоқ тадбирларида фаол қатнашиб, тинчлик, тараққиёт учун курашда ўзларининг чет эллардаги тенгдошлари билан якдил эканликларини намойиш этдилар. Жаҳоннинг 66 мамлакатидан келиб, пойтахтимизда билим олаётган 1700 дан ортиқ студент бор. Улар орасида Куба республикасининг 105 вакили борлигини мамнуният билан айтиб ўтишни истайман. Улар иштирокида ўтказилган сиёсий қўшиқлар конкурси ғоят қизиқарли бўлди.

— Ёшлар ва студентларнинг XI жаҳон фестивалининг аҳамияти ҳақида ҳам гапириб берсангиз.

— Ёшларнинг 1 жаҳон фестивали 1947 йилнинг август ойида Чехословакияда ўтказилган эди. Ўшанда фестиваль иштирокчилари Лидицадаги нацистлар концентрацион лагери ўрнида фашизмга, реакция кучларига қарши курашни ҳеч қачон тўхтатмаслик, янги уруш оловини ёқишга йўл қўймаслик учун тантанали қасамёд этишган. Кейинги фестивалларда ҳам бутун дунё ёшлари турли табақаларининг вакиллари халқларининг эзгу ниятлари учун курашажакларини билдирдилар.

Навбатдаги фестиваль биринчи марта социализм қураётган Кубада ўтказилади. Бу ғоят катта аҳамиятга эга. Озодлик ороли ёшлари анжуманга пухта ҳозирлик кўришди. Чунки у ерга 130 дан ортиқ мамлакатдан тинчлик ва ҳамкорлик, социал ва миллий озодлик, қуролсизланиш учун курашаётган турли партия ва табақаларнинг вакиллари келишади. Барча қитъалардан Гаванага келган 16 минг дан ортиқ йигит ва қизлар «Империализмга қарши бирдамлик, тинчлик ва дўстлик учун» шиорига содиқ эканликларини намойиш этадилар.

— Фестивалда қатнашувчи республикамиз делегацияси аъзолари ҳақида гапириб берсангиз.

— Делегация состави меҳнатда, ўқишда ва ижтимоий фаолиятда ўзини кўрсатган ишчи ва қишлоқ ёшлари, маҳоратли спортчилар, ижодкор ёшлар ҳамда комсомол ходимларидан иборат. Жумладан, Шовот районидаги «Партия XXII съезди» колхозининг илғор сут соғувчиси, ВЛКСМ XVIII съезди делегати Гавҳар Иброҳимова. Ангрен шаҳар резина-техника заводи пресссловчиси, ВЛКСМ XVIII съезди делегати Урал Бекназаров ва бошқалар бор. Фестивалда ўзбек рақс ва оҳанглари «Баҳор» ансамблининг раққосаси Маъмура Эргашева, созандалар уч ака-ука Элмурод, Дилмурод ва Ҳолмурод Исломовлар ижро этадилар. Шунингдек, илғор комсомол-ёшлардан ташкил топган туристик группа Гаванада меҳмон бўлади.

Суҳбатни
М. МУРОДОВ
олиб борди.

РЕСПУБЛИКАМИЗ БЎЙЛАБ

ДАЛА ШИЙПОНЛАРИДА

Район матлубот жамияти автолавкаларининг сотувчилари шу кунларда Китоб районининг қишлоқ меҳнатчилари ҳузурида тез-тез меҳмон бўлмоқдалар. Бу ерга ҳар куни кўчма магазин келади. Бу магазинлар пахтакор ва ғаллакорларга энг зарур ва кундалик молларни етказиб беради. Бу йил юзта автомагазин Қашқадарё деҳқонлари хизматида, бу ўтган йилдагидан анча кўп. Кўчма магазинлар маршрутларининг аниқ графиги ишлаб чиқилган. Деҳқонлар автолавка қачон келишини олдиндан биладилар. Улар керакли нарсаларни олдиндан буюриб қўйишлари мумкин.

РЕКОНСТРУКЦИЯ ҚИЛИНМОҚДА

Гулистон районидаги Фрунзе номли колхозда пахта ва маккажўхоризорларга сув чиқарадиган насос қурилмаларни реконструкциялаш бошлаб юборилди. Июль ойидаёқ бу қурилмаларни электр тармоғига улаш кўзда тутилмоқда. Насосларга электрлинналар уланмоқда, трансформаторлар ўрнатилмоқда. Двигателларини электр моторлар билан алмаштириш эвазига хўжалик ҳар йили 300 тоннадан зиёд ёнилғи тежайди.

СУВ ТАЪМИНОТИ ЯХШИЛАНАДИ

Самарқанд областидаги «Партия XXV съезди» совхозида тўрт километр узунликдаги канал қурила бошлади. Бетон билан қопланган канал хўжалик экинзорларини сув билан таъминлашни анча яхшилайди, бу ерда барпо этилаётган янги боғлар ва токзорларга сув беради. Областдаги «Уч қаҳрамон», «Боғистон» совхозларида, ихтисослаштирилган бошқа хўжаликларда ҳам янги каналлар қурилмоқда.

(ЎзТАГ).

Тошкент области янгиликлари

● **Чирчиқдаги «Электрохимпром» ишлаб чиқариш бирлашмасида капролактам тайёрлаш бўйича янги объектларнинг қурилишини тезлаштириш бўйича ўтказилган социалистик мусобақада** республика монтаж махсус қурилиш ишлари министрлиги «Узстальконструкция» трестининг Тошкентдаги «Стальмонтаж» бошқармаси коллективи катта ғалабани қўлга киритди. Бу коллектив шу йилнинг июнь ойида катта ҳажмли ишларни амалга оширди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Ўзбекистон касаба союзлари республика Советининг кўчма Қизил байроғи ва икки минг сўмлик пул мукофоти ана шу коллективга берилди.

● **Ангрендаги «Резинотехника» заводида** резина қориштиргич ускунасининг ремонти бўйича янги технология ишлаб чиқаришга жорий этилди. Янгиликдан йилига 4 минг сўмдан зиёд иқтисодий фойда олиш мумкин.

● **«Чирчиқсельмаш» заводида кенг истеъмол буюмлари ишлаб чиқарадиган цехнинг бўяш, қуритиш комплекси реконструкциядан чиқарилди.** Бу ишларни амалга ошириш натижасида тайёрланаётган маҳсулотларни қуритиш жараёни икки марта тезлашди, буюмларни бўяш сифати анчагина яхшиланди. Бу янгиликдан бир йилнинг ўзида 30 минг сўмликдан зиёд иқтисодий фойда олиш мумкин.

● **Янгийўл пойафзал фабрикасининг яна икки хил маҳсулотига Давлат Сифат белгиси берилди.** Ҳозирги пайтда бу корхонанинг коллективи ишлаб чиқараётган маҳсулотларнинг 31 хили ана шундай Сифат белгисига сазовор бўлган. Бу умумий маҳсулот ишлаб чиқаришнинг 23 процентини ташкил этади.

◆ ҲАМШАҲАРЛАР, СИЗЛАР УЧУН

ЖЎНАТМА ОҚИМИ КЎПАЙМОҚДА

Ҳозирги пайтда шаҳримиз аҳолисига 200 га яқин алоқа бўлими хизмат кўрсатмоқда. Бу алоқа бўлимларида бир кечакундузда қайта ишланадиган ва исталган манзилларга етказиб бериладиган мактублар, посилкалар, пул жўнатмалари ва бошқа алоқа хизмат турларининг сони 166 мингдан ошади. Биргина ўтган йилнинг ўзида шаҳримиз алоқачилари аҳолига, шунингдек корхона ва ташкилотларга 407 минг дона қимматли мактуб ва бандероль, 2,4 миллионга яқин посилка ва пул жўнатмалари, 65 миллион донадан зиёд мактубни етказиб бердилар.

Улугвор ўнинчи беш йиллик алоқачилар учун ҳам самарали бўлмоқда. Кейинги 2,5 йил ичида шаҳримизда бир неча янги алоқа бўлимлари очилиб ишга туширилди. Уларнинг асосий кўпчилиги янги уй-жой районларида жойлашган. Қорақамиш, Юнусобод, Шимолий-Шарқ массивларида ана шундай замонавий алоқа бўлимларининг хизматидан аҳоли мамнун бўлмоқда.

Шаҳардаги энг йирик алоқа узелларидан бири Фрунзе районида жойлашган. Шу йилнинг биринчи ярмида унинг бўлимлари 42 мингта посилка, 75 мингта пул жўнатмасини қабул қилиб олди. Беш йиллик бошидан буён ишлаб чиқариш ҳажми анчагина ўсди.

МУЗИКА МАСКАНИ

Чилонзордаги грампластинкалар уйини чинакам музика маскани дейишади. Бу ерга марҳамат қилган санъат ошиғи ҳар куни ўзбек, рус ва жаҳон композиторларини и н г ранг-баранг мавзуларда яратган музика асарларини завқ билан тинглаши мумкин. Яқинда грампластинкалар уйи корхонадан «куйловчи диск»ларнинг жуда катта партиясини қабул қилиб олди. Уларга ўзбек совет композиторларининг асарлари туширилган. Айниқса бастакорлардан Т. Содиқов, Г. Мушель, М. Ашрафий ва бошқаларнинг асарлари тингловчиларга манзур бўляпти.

Магазин мамлакатимизда ва чет элларда чиқарилган граммафон ёзувларини биринчи навбатда қабул қилиб олмоқда.

ТОБОРА ГЎЗАЛЛАШЯПТИ

Тошкент тобора ҳусн очиб бормоқда. Бу ерда ташкил этилаётган янгидан-янги массивлар, ҳиёбонлар гўзал қиёфа кашф этяпти. Кўплаб турар-жой, маданий-маиший объектлар қад кўтаряпти. Уларни кўриб кўз қамашади. Қўли гул бинокорлар меҳнатига таҳсин ўқийсан.

Яқин ўн йил ичида қомат ёзган Юнусобод, Қорақамиш, Шимолий Шарқ массивларида бугунги кунда минг-минглаб оилалар истиқомат қилишяпти. Бу жойларда ҳовли тўйларини нишонлаётган кишилар сони тобора ортиб боряпти.

Диққатингизга ҳавола этилаётган ушбу фотолавҳада 153- қурилиш трестига қарашли 3-қурилиш бошқармаси бинокорлари томонидан Тимирязев кўчасида бунёд этилган янги турар-жой биноси акс этган.

М. Нуриддинов фотолари.



телетайп лентасидан

⊙ ПРАГА. Чехословакиянинг Брно шаҳрида Ўзаро Иқтисодий Ердам Кенгаши қишлоқ хўжалиги доимий комиссиясининг навбатдаги мажлиси ўз ишини тугаллади.

Мажлис давомида Ўзаро Иқтисодий Ердам Кенгаши сессиясининг яқинда бўлиб ўтган XXXII мажлиси қарорларидан келиб чиқадиган вазифалар, шунингдек қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат саноатини ривожлантириш юзасидан узоқ муддатли тармоқ программалари Ўзаро Иқтисодий Ердам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатларнинг шу тармоқларда 1981—1985 йилларга мўлжалланган халқ хўжалик планларини бундан буён ҳам координациялаш масалалари кўриб чиқилди.

Мажлисда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини заводлараро кооперациялаш, қишлоқ хўжалик ва саноат интеграцияси асосида ихтисослаштириш ва концентрациядаш жараёнини янада ривожлантириш билан боғлиқ масалалар биргаликда ҳал қилинди.

Мажлис ишида Югославия вакиллари ҳам иштирок этдилар.

⊙ **БОНН. Расмий визит билан бу ерга келган АҚШ президенти Ж. Картер ГФР федерал канцлери Г. Шмидт билан учрашди.**

Матбуотнинг ҳабар қилишича, суҳбат чоғида жиддий иқтисодий ва валюта — молиявий проблемалар муҳокама қилинган. Ана шу проблемалар еттита энг йирик капиталистик мамлакатлар раҳбарларининг экономика масалаларига бағишлаб Боннда ўтказиладиган кенгашининг кун тартибига кўйилади.

Г. Шмидт ва Ж. Картер матбуот конференциясида қисқача баёнот бериб, АҚШ ва ГФР ўртасидаги иқтисодий ҳамда савдо-сотиқ муносабатларида каттагина проблемалар борлигини, шунингдек ана шу проблемаларни ҳал этиш йўлидаги нуқтаи назарларда тафовут борлигини эътироф этдилар.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ ВА СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИДАН

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Совети Коммунистик партия билан Совет давлатининг таниқли арбоби, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари, СССР Олий Советининг депутати, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Фёдор Давидович **Кулаков** 1978 йил 17 июль куни 61 ёшида тўсатдан вафот этганлигини чуқур қайғу билан маълум қиладилар.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ — СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ — СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ВА СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИДА

КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Совети қарор қилдилар:

1. КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари Фёдор Давидович Кулаковни дафн этишни ташкил қилиш учун А. П. Кириленко (раис), В. В. Кузнецов, М. В. Зимянин, З. Н. Нуриев, Г. С. Павлов, В. Н. Макеев, В. М. Репринцев ўртоқлардан иборат комиссия тузилсин.

2. Ф. Д. Кулаков Қизил майдонда, Кремль девори ёнига дафн этилсин.

• *Коммунистнинг шахсий намунаси*

Маррадан ўзиб

Эрталабдан буён кутилган машина тўла қоришма тушки пайтда келди. Бригадир шофердан юк учун ёзилган йўл варақасини олди-да бўшатиш учун жой кўрсатди. Ҳамма худди бир кишидек ўриндан қўзғалиб, бел ва замбилларни кўтариб, ҳалиги машина ағдарилган қоришмага «ҳужум» бошлашди.

Эндигина ҳандақи қазилган янги 40 квартирали бино қурилишида иш қайнарди. 35 минутли фидокорона меҳнатдан сўнг бинокорлар ювинишиб овқатланишга ўтиришди.

— Бизнинг ишимиз шунақа, — деди бизга қараб бригадир. —Баъзан ёрдамчи пудратчилар бизга иш фронти очиб бермайди. Еки зориқиб кутганимиз гишт ё қоришма ўз вақтида келмайди. Ана шу сабабларни пеш қилиб бекор ўтирсак, бинони қуриш муддатлари чўзилиб, таннархи қимматлашиб кетади.

«Главташкентстрой»га қарашли 153- трестнинг 1- бошқармасида бундан беш йил муқаддам биринчи бўлиб бизнинг бригадамиз зеленоградлик дондгор бинокор, - Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, СССР Давлат мукофотининг лауреати Николай Злобин методи асосида ишлашга кўчган эди. Бригадамиздаги коммунистлар (улар 5 киши) бошқаларга бошқош бўлиб, ҳамиша зинмаларига олган социалистик мажбуриятларини шараф билан бажариб келмоқдалар. «Кенгашиб бичилган тўн кенг келмас», — деган нақл бор. Масалан, ҳалигидек гишт ё қоришма ўз вақтида келмай қолса дарҳол бошқа ишларни амалга оширишга киришамиз. Бино қурилишини бутун комплекти бўйича, яъни пойдевор ўрнатишдан тортиб монтаж ишлари ва бино атрофини ободонлаштиришгача ўзимиз амалга оширамиз. Шундай экан материал келмади, деб бекор ўтирмаймиз.

Дарвоқе бу пешқадам бригадада 26 йигит ва қиз аҳил меҳнат қилади. Шулардан бири, бундан тўрт йил муқаддам ўрта мактабни битириб комсомол йўлланмаси билан келган Нафиса Юсуповадир.

У тез орада кранда, бульдозерда ишлашни, гишт теришни, қоришма қоришни яхши ўзлаштириб, коллективнинг иззат ҳурматига сазовор бўлди. Нафиса Юсупова партия сафига қабул этилди. Партия ташкилоти эса Нафисага оғзаки агитация ишларини олиб бориш партиявий топшириғини берди. Нафиса ҳозир гишт терувчи уста, ёшлар мураббийси, моҳир агитатордир.

КПСС аъзолари Шермат Холматов, гишт терувчи Нуъмон Ҳожимуродов, бетончи Раҳим Тўлаганов сингари илғорлар смена нормаларини 2—2,5 баравардан ошириб бажариб, бригаданинг меҳнат ғалабаларига муносиб ҳисса қўшишяпти.

Бу илғор коллективга коммунист, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Холхўжа Баҳодиров бошчилик қилмоқда!

Бир беш йилликда икки беш йиллик планни бажариш мажбуриятини олган бригада аъзолари Чилонзорнинг Султон Сегизбоев кўчасида 5 та кўп қаватли уйни, Ю. Фучик кўчасида 280 ўринли болалар боғчасини, «Электромедтехникум» учун 450 ўринли ётоқхонани бунёд этиб, аҳолига вафо қилди. Ҳисоб-китобларга кўра, бригада аъзолари 434 минг ўрнига 453 минг сўмлик бош пудрат ишларини амалга оширганлар. Биргина «Электромедтехникум» ётоқхонаси қурилишида 23 минг сўм давлат маблағи тежаб қолинди. Ана шу маблағнинг анчагина қисми бригада аъзоларига мукофот тариқасида берилади.

1981 йил ҳисобига меҳнат қилаётган Холхўжа Баҳодиров бошлиқ комплекс, коммунистик меҳнат бригадасининг коллективи шонли бинокорлар қуни — 13 августгача Наққошлик кўчасида бунёд этилаётган 40 квартирали уйда монтаж ишларини тамомлаб, яна бир 40 квартирали уй-жойни қад кўтариш ниятидалар.

Ҳозиргача ётоқхона, болалар боғчаси ва фойдали саҳни 4500 квадрат метр бўлган уй-жой биноларини муддатидан илгари фойдаланишга топширган бригада беш йиллик маррани ортда қолдирди.

Т. НАЖМИЙ,
«Тошкент оқшоми»нинг жамоатчи мухбири.



«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» МУХБИРИ НОҚОРАТУПРОҚ ЎЛКАДА

3. Оталар изидан

Старая Русса. Уруш жафоларини хўб тотган шаҳар! Унинг атрофида ва ичкарисида кўзга биринчи ташланган нарса биродарлик қабристонлари, ёдгорликлар бўлди. Мармар, гранит мозорлар пойида турфа хил ям-яшил гуллар... Қабр тошларига ўйилган сўзлар... 69 қардошлик қабристонида 340 минг кишининг жасади ётибди. Улар — 33 миллатнинг алплари қадимий шаҳарни озод қилиш, унинг ёзувлар оёғи остида пайҳон бўлишига йўл қўймаслик учун жанг олиб борганлар...

Тизгинсиз хаёл узоқ ва яқин уруш йилларига чопади. Кўз ўнгингда қонли манзаралар жонланади. Урушнинг иккинчи ҳафтаси... Фон Буш қўмондонлигидаги немисларнинг армияси шаҳар остоналарига етиб келди. Старая руссаликлар ёвга осонликча таслим бўлмадилар. Кўп қонлар тўкилди. Аҳоли ўзини душмандан мардона ҳимоя қилди. Узоқ жанглардан кейин 6 августдагина фашистлар шаҳарни қўлга олди. Рақиблар шаҳарга киргач, биринчи қилган иши ёдгорликларни талаш, вайрон қилиш, санъаткорларни ўлдиришдан иборат бўлди. Ватанпарварлар дарахтларга, кўчаларга, шаҳар деворларига осилди. Рус меъморчилиги ёдгорликларининг кули кўкка совурилди. Аҳоли дўзах азобига дучор қилинди. Қарийб тўрт йиллик тутқундан сўнг Совет Армияси жангчиларининг қаҳрамонона кураши натижасида шаҳар озод этилди.

Шаҳар учун бўлган қурашларда Александр Красилов, Леонид Черемков ўз гавдаси билан душман ўт очиш нуқтасини тўсиб, қўшинларимизнинг олға ҳаракат қилишига йўл очдилар. Михаил Фрунзенинг ўғли Темур Фрунзе қирувчи самолёти билан душманга даҳшат солди. Шаҳар остоналаридаги даҳшатли жангларнинг бирида у қаҳрамонларча ҳалок бўлди. Афсонавий саркарданинг фарзанди. Совет Иттифоқи Қаҳрамони Темур Фрунзенинг қаҳрамонлиги тилларда достон бўлди. Бу ерда ўзбекистонликлар ҳам кўп қон тўкишди. Старая руссаликлар ўзбек халқи кўрсатган қаҳрамонликни, айниқса севимли ва машҳур ёзувчи, партия ва давлатимизнинг таниқли арбоби Шароф Рашидовни жуда яхши билишаркан. Бу ерда бўлган жангларда Ш. Рашидов ҳам қаҳрамонлик кўрсатиб, оғир яраланган. Юксак жасорати учун «Қизил Юлдуз» ордени билан тақдирланган.

Шаҳар ўлкани ўрганиш музейида бўлганимда ўзбек халқининг севимли қизи, мерган, олима, актриса Зебо Ғаниеванинг сафдошлари Нина Соловей, Тася Назарова билан биргаликда тушган расмини, татар халқининг қаҳрамон шоири Муса Жалилнинг суратини кўрдим. Шунингдек, совет қишилари кўрсатган жасорат билан бирга, фашистлар ваҳшийлигининг гувоҳи бўлдим. Гянцбург томонидан яратилган Лев Толстой бюстини гитлерчилар эрмак учун тўпончадан ўқ отиб, илма-тешик қилиб ташлашган экан. Йиллар ўтса-да, ҳайкалча XX аср ваҳшийларининг ёвузликларини эслатиб, авлодларнинг уруш оловини ёқувчиларга қарши айбномасидек турибди. У ёшларни уруш даҳшатларидан воқиф этиб, уларни бирлашишга, ҳамкорликда яшашга даъват этмоқда!

Старая Русса... Табиатнинг гўзал маскани! Шарқираб оқаётган дарёлар, чуқур ўйга чўмган мовий кўллар кўп сирли ва шарафли воқеа-ходисаларнинг гувоҳи, ошиқ қалблар сирдоши, санъаткорлар илҳом манбаи... Н. Ресков, Н. Некрасов, А. Пушкин, Ф. Достоевский, Н. Карамзин, Н. Добролюбов каби адабиёт даҳолари энг яхши шеърларини, романларини, сўз санъати жавоҳирларини шу ерда битишган.

Етмишинчи йилларнинг навқиронлари гўзал масканни кишиларга янада кўпроқ хизмат қилдириш, ёввойи ўрмонлар, ботқоқликларни инсон изнига бўйсундириш мақсадида бу ерда жасорат кўрсатишяпти. Ботқоқликлар ўрнида совхозлар қуриляпти, Ернинг захи қочирилиб, юрт—маъмурчилигига барака келтирилаяпти. Шаҳарча четида «Узновгородводстрой» трестининг катта ишлаб чиқариш базаси, уй-жой бинолари қуриляпти.

«Тошкент—6» кўчма механизациялашган колонна ва автобаза ҳудди шу ерга жойлашган. Толибжон Абдурасулов бошлиқ бригада бу колоннанинг илғор коллективларидан бири. Бригада етакчиси билан суҳбатлашганимда, у бригададошларини н и н г ҳамкор, дўст эканлиги хусусида гапириб, шундай воқеани сўзлаб берди:

...Ўтган куни эрталаб колонна бошлиғи келиб, биз ишлаётган таъминот бошқармаси идораси биносини шу ҳафта ичида сувоқдан чиқарасизлар, деб айтди. Камида бир ярим ҳафталик иш бор эди. Беш кун ичида бунча ишни қилиш қийин. Бошим қотиб қолди. Ҳайрон бўлиб тургандим, ёнимга Нуъмонжон келиб қолди. У бригадамизнинг етакчи қирувчиларидан бири. Унга аҳволни тушунтирдим.

— Ўндай бўлса бригада аъзоларини тўплаб, кенгашайлик, — деб маслаҳат солди у.

Мен коллективни йиғдим. Уларни аҳвол билан таништирдим.

— Менимча бунинг бир чораси бор. У ҳам бўлса ишдан кейин қолиб ишлаш, — деди Рустамжон.

Бошқалар уни қувватлашди. Бригадамиз аъзолари ишдан кейингина эмас, смена бошланишидан эртароқ ҳам ишлашга келишишди. Объектни ўз вақтида материал билан таъминлашни мен ўз бўйнимга олдим. Июнь ойларида бу ерда оппоқ тунлар бошланади. Кечки пайт ҳам бемалол ишласа бўлади. Биз бамаслаҳат иш юритиб, бинони белгиланган муддатда фойдаланишга топширдик. Бу воқеани айтишимдан мақсад коллективимиз аъзолари бир-бирларини доимо қўллаб-қувватлашади, ҳурмат қилишади. Натижада планлар оширилиб бажарилади, юзимиз ҳам ёруғ.

Бригада аъзоларининг баъзилари аввал сувоқчи бўлиб ишлаган бўлса-да, бу ерга келгунларича унча малакалари йўқ экан. Бу бригадада етарли тажриба орттиришибди.

Биз суҳбатлашиб турган жойга вагончўчадан уч-тўрт чуст дўппили йигит чиқиб келди. Улар Толибжон бошлиқ бригаданинг аъзолари экан.

— Мен Андижон областиданман, — дейди Рустам Жўраев.— Бу ерга келиб сувоқчилик ва бўёқчилик касбини ўрганиб олдим. Менга Толибжон ака устозлик қилди.

Ҳа, коллективга келиб касб-ҳунар ўрганган йигитлар кўп. Улар бу ерга келиб одамнинг қадрини, она юртимизни, унинг саҳий кишиларини ардоқлашга, севишга ўрганишяпти.

Сувоқчиларнинг ёнидаги вагонда сантехниклар яшаркан. Коллектив турли миллат вакилларидан иборат. Бригада бошлиғи Алихон Галаевнинг милати ингуш. У аввал Фарғона суғориш шохобчалари қурилиш трестига қарашли қурилиш-монтаж бошқармасида сантехник бўлиб ишлаган, Ражаббой Валиев — татар, Пошшоали Ҳасратов — турк, Шодиевой Охунов — тожик, Муҳаммаджон Юсуфжонов — ўзбек...

— Кунлик нормаларни 140 процентга етказиб адо этяпмиз, — дейди бригада бошлиғи. — Бундай мувaффақиятга маҳоратимизни ошириб боришимиз ва ўзимиз бажараётган ишнинг моҳиятини яхши билишимиз, мақсадимиз аниқ бўлгани туфайли эришяпмиз.

— Биз ҳаммамиз бир жойдан — Фарғона областидан келганмиз — дейди бригаданинг ёши «улуғроқ» вакили Шодиевой Охунов. —Тўғри шароитимиз жуда ҳам яхши эмас. Лекин кўникиб қолдик. Аслида бу ерда қийинчилик бўлмаганда биз —комсомолёшларни бундай қурилишларда ишлашга чақиришармидик?! Ёшлар шароити қийин жойларда ишлаб, тобланишлари, ҳаётни ўрганишлари керак.

Шодиевой ҳақ гапни айтди. Уни бошқалар ҳам қувватлашди.

«Тошкент —8» кўчма механизациялашган колонна қадимий Ҳолм шаҳрига жойлашган. Коллектив шаҳар четида 2 минг кишига мўлжалланган замонавий посёлка қуряпти. Унда Ўзбекистондан келган мелиоратор ва қурувчилар истиқомат қилишади. Биноларнинг аксарияти бир қаватли, коттеж типидадир. Колонна мелиораторлари ботқоқликларни қуритиш, ернинг захини йўқотиш, ирригация тармоқларини барпо қилиш каби вазифаларни амалга ошириб, совхоз ва колхозлар учун янги ерлар очишяпти.

Уларнинг қўшниси «Тошкент — 1» кўчма механизациялашган колонна бунёдкорлари олиб бораётган ишлар ҳам диққатга сазовордир. Колонна бошлиғи Владислав Семёнович Мимидинов ўрта бўйли, қотмадан келган, 40 ёшлардаги киши. У Новгородга 1974 йилда Ўзбекистоннинг биринчи кўнгиллиларни отрядида келган. Ўша пайтларда у участка бошлиғи эди. Ҳозир колонна бошлиғи. Владислав Семёнович Новгороднинг деярли ҳамма районларини кинидик қони тўкилган Наманган ва кўп йиллар пешона тери тўккан, қалб қўрини бахш этган Мирзачўлдай яхши билиб олган. У Россия заминининг табиий қийинчиликларига кўникиб қолди. Барча ўзбекистонликлар сингари машаққатларни енгиб, қардош Россиянинг кўриқларини ўзлаштиришга ҳисса қўшяпти.

Колонна коллективи трест бўлинмалари ўртасидаги социалистик мусобақада пешқадам. Бунда Турсунпўлат Расулов бошлиқ дренаж қувурларини монтаж қилувчилар бригадаси аъзоларининг ҳиссалари каттадир. Турсунпўлат ҳам колонна бошлиғи билан биргаликда бундан тўрт йил олдин Новгород областига ишлашга келган.

Бригада аъзоларидан Ў. Мардонов — ўзбек, Лебедев— рус, Б. Бразаускас — литвалик, В. Веслер — немис... Коллектив турли миллат вакилларидан ташкил топган бўлса-да улар бир оила фарзандларидек аҳил.

Новгород областида меҳнат қилаётган ўзбекистонлик қурувчилар орасида меҳнат фидойилари, ишчан, ғайратли йигитлар кўп. Улар ҳақида ҳар қанча сўзласа арзийди. «Узновгородводстрой» тресги коллективи бу беш йилликда 42 минг гектар ернинг захини қуритиш 6 минг гектар ерда суғориш тармоқларини бунёд этиш, кўплаб уй-жойлар, маданий-маиший бинолар қуриши керак.

Республикамиз мелиоратор ва қурувчиларининг Новгород областида бажарган ишлари ҳақида ўйлаганимда, область комсомол комитетида бўлган суҳбатни эсладим.

— Ўзбекистонликлар олиб бораётган катта ишлар натижасида, — деган эди Новгород область комсомол комитетининг иккинчи секретари Евгений Назаров, — ўтган йили қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ҳажми тўққизинчи беш йилликка нисбатан қарийб 8 процентга кўпайди. Демак, колхоз ва совхозлар ҳар доимгидан кўп гўшт, сут, дон-дун ва полиз маҳсулотлари тайёрлашди. Демак, қишлоқ меҳнаткашларининг моддий ва маънавий фаровонлиги янада ошди!

Абдуқодир НИЁЗОВ.

ЙИЛЛИК ПЛАН— МУДДАТИДАН ИЛГАРИ

• МАЖБУРИЯТЛАР ИЗИДАН

Октябрь ва Чилонзор райончалари мусобақаси

ИЛҒОРЛАРГА ТЕНГЛАШАЙЛИК

Корхоналар ва ташкилотларнинг 1978 йилнинг биринчи ярмидаги хўжалик-иқтисодни фаолиятининг асосий кўрсаткичлари, мусобақа якунлари	Октябрь район		Чилонзор район	
	Мажбурият-да кўзда тутилгани	Аслида	Мажбурият-да кўзда тутилгани	Аслида
Маҳсулот реализацияси бўйича планнинг бажарилиши (процентларда)		104,0		105,0
Планга қўшимча реализация қилинган маҳсулот (минг сўм ҳисобида)	2850	315,9	2538	3695
Ишлаб чиқариш умумий ҳажмининг ўсиш суръати (процентларда)		105,9		108,6
Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан меҳнат унумдорлигининг ўсиш суръати (процентларда)		104,3		105,4
Меҳнат унумдорлигини ўстириш ҳисобига ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши (процентларда)	90,0	74,6	85,0	65,1
Маданий-маиший буюмлар ишлаб чиқарилди (процентларда)		109,6		102,1
Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан маданий-маиший буюмлар ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръати (процентларда)		117,7		117,1
Янги ишланган ва ўзлаштирилган буюмлар, моделлар, фасонлар (миқдори)	100	123	110	118
Сифат белгисига аттестациядан ўтказишга тақдим этилди (миқдори).	30	57	15	15
Реализация қилинган маҳсулотнинг умумий ҳажмида Сифат белгиси билан ишлаб чиқарилган ва реализация қилинган буюмлар (процентларда)	14	13	1,5	2,8
Тежаб қолинди:				
қора ва рангли металлар (тонна)	350	365	630	665
ёнилғи (тонна)	—	—	1000	1110
электр қуввати (минг киловатт-соат)	1250	1310	1300	1525
Янги ўрнатилган ускуналар (миқдори)	75	74	20	138
Шу йилнинг январь-май ойларида фойдаланишга топширилган турар жой майдони (минг кв. метр)	25	25	31,0	31,0
Н. Злобиннинг бригада пудратн методи бўйича ишлаётган бригадалар (миқдори)	103	95	50	75
Қишлоққа оталик ёрдамй (минг сўм ҳисобида)	80	80	76	87,6
«Қолоқларсиз, сифатли ишлаймиз» шиори остида ишлаётган корхоналар (миқдори).	19	19	21	22
— цехлар	103	103	61	63
— участкалар	132	123	70	71
— бригадалар	444	415	524	535
— меҳнат илғорлари	10.000	10.300	15.400	15.700
«Бир беш йилликда икки беш йиллик топшириғини бажарамиз» шиори остида мусобақалашаётганлар (одамлар миқдори).	50	50	113	116
Беш йилликнинг уч йили топшириғи — СССР Конституцияси кунигача:				
— корхоналар (миқдори)	4	5	5	7
— цехлар	12	13	11	12
— участкалар	40	42	17	19
— бригадалар	100	112	110	117
— ишлаб чиқариш илғорлари	3.500	4.000	6000	7.500

Октябрь ва Чилонзор районлари саноат корхоналари коллективлари йиллик ишлаб чиқариш программасини муддатидан илгари уддалаш учун барча имкониятларни ишга солмоқдалар. Бу борада сезиларли ютуқлар ҳам қўлга киритилди. Биринчи ярим йилликда улар пландан ташқари 6.8 миллион сўмлик маҳсулот реализация қилдилар. Районларда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмларининг ўсиш суръатлари 103.6 ва 105.9 процентни ташкил этди.

Бундай муваффақиятларга эришишда ҳар икки район саноатида техника ютуқларини ва илғор технологияни жорий этиш катта аҳамиятга эга бўлди. Лекин бу ерда завод ва фабрикаларнинг илғор ишчилари кун сайин авж олдираётган социалистик мусобақа асосий роль ўйнади. Масалан, ҳозирда Чилонзор районида маҳсулот реализация қилиш бўйича давлат планини бажармаган бирорта ҳам корхона йўқ.

Уларнинг кўпчилиги ҳозирнинг ўзидаёқ беш йиллик топшириғини бажариб қўйдилар. С. Павлина, С. Иброҳимова, Н. Ломухина, В. Пенькова (2-пойафзал фабрикаси), Т. Орипов (заргарлик заводи) ва бошқалар шулар жумласидандир. 800 нафар киши эса 1979—1980 йиллар календари бўйича меҳнат қилишмоқда.

«ССРР Конституциясининг бир йиллигигача — беш йиллигининг уч йили планини бажарамиз» шиори остида социалистик мусобақа янада кенг қулоч ёймоқда. Унда олти корхона. 12 та цех 19 та участка, 117 та бригада ва 7500 дан зиёд ишлаб чиқариш илғори иштирок этяпти.

Меҳнат унумдорлигини ўстириш учун қўшимча резервларни қидириб топиб, ишга солаётган (олти ой мобайнида 5.3 процентга ўсди) чилонзорликлар юзлаб рационализаторлик таклифларини жорий этдилар.

Октябрь районида ҳам социалистик мусобақа кенг қулоч ёйган. Бу ерда «Ўнлар ташаббуси»нинг кўпгина издошлари меҳнат қилишяпти. С. Колос, А. Попова, И. Маркелов, С. Шарафутдинова, М. Еқубова, А. Холмуҳамедова, В. Ларионова, М. Исломовалар мусобақада голиблик қилишмоқда. Ҳозирда Н. Ортиқова (тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси), Ш. Зоҳидов, (кўн-мўйна заводи), Р. Шарафутдинова (бадиий буюмлар ассбрикаси), Ф. Утапова, Е. Логинова (кўн-галантерея фабрикаси), В. Кансурин («Средазэнергоцветмет» корхонаси) ва юзлаб илғорлар 1979—1980 йиллар ҳисобига меҳнат қилишяпти.

Социалистик мусобақага якун ясалаётганда ишлаб чиқарилган маҳсулот сифатига алоҳида эътибор берилмоқда. Район меҳнатчилари бир овоздан «Сифат беш йиллигига — ишчи кафолати» берамиз дейишмоқда. Улар олти ой мобайнида фахрли беш қирралн белги билан 8.5 миллион сўмликдан зиёд турли хил буюмлар ишлаб чиқаришяпти. Бу умумий маҳсулот ҳажмининг 12 процентини ташкил этади.

Мусобақадош районларнинг «Средазэнергоцветмет», «Ташкентхлеб», «Матбуот», «Тошкентпиво» ишлаб чиқариш бирлашмалари, Ўзбекистон ССР кўрлар жамиятининг 1-ишлаб чиқариш комбинати, булка-кондитер комбинати, тажриба техника, заргарлик, кўн-мўйна заводлари, спорт буюмлари фабрикаси коллективларим йиллик топшириқ ва социалистик мажбуриятларини муваффақиятли бажардилар. 2-пойафзал фабрикаси эса бу борада рекорд қўйди. Пойафзалчилар пландан ташқари 1200 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқардилар. Бу эса социалистик мажбуриятдагидан беш марта кўп демакдир.

Бироқ шундай коллективлар борки, улар социалистик мажбуриятларини уддалай олмадилар. Жумладан, тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси ўз мажбуриятини бажара олмади.

Ҳар икки район коллективлари меҳнат унумдорлигини ўстириш бўйича белгиланган маррага етолмадилар. Масалан, Чилонзор районида меҳнат унумдорлигини ўстириш ҳисобига ишлаб чиқарилган маҳсулот 71 процентни ташкил этди. Пландан эса 85 процент бўлиши керак эди. Бу борадаги кўрсаткичларга янада юқорироқ марраларга чиқиб олишга ёрдам бериш, шу мақсадда мураббийлик ҳаракатидан, коммунистик меҳнат мактабларидан, иқтисодий таълим системасидан, оммавий ахборот ва пропаганда воситаларидан кенгроқ фойдаланиш муҳимдир».



БЎЛАЖАК БИНОКОРЛАР

«Главташкентстрой»нинг шаҳримиздаги кўпгина қурилиш майдонларида ҳунар-техника билим юртида қурувчилик касби бўйича таълим олаётган бир группа ўқувчилар назбатдаги амалий тажрибани ўтамоқдалар. Мана бу фотолавҳада сиз 153-қурилиш трести 3- қурилиш бошқармасининг Константин Плешков бош бўлган илғор комплекс бригадаси коллективи томонидан Киров районида бунёд этилаётган янги турар жой биноси қурилишида фаол иштирок этиб муваффақият билан ишлаб чиқариш таъқрибасини ўтаётган 63-ҳунар-техника билим юртининг бўлажак пайвандчи - монтажчиларидан (чапдан-ўнгга) Равшан Бекмуҳаммедов билан Зуҳриддин Тўраевларни кўриб турибсиз. Шубҳа йўққи, бўлғуси бунёдкорлар сиз суратда (пастда) яқинда Пушкин кўчасида топширилган янги турар жой биноси каби кошоналарни бунёд этишда иштирок этадилар.

М. Нуриддинов фотолари.



• *Беш йиллик вахтасида*

Ҳар бир секунд—ҳисобда

Китоб шоири тўқиш фабрикасининг ишчиси Тўхта Муҳаммадиева иш вақтининг ҳар бир секундидан оқилона фойдаланиш учун курашда муваффақият қозонди — у социалистик мусобақа пешқадами бўлиб қолди. Тўхта йил бошидан буён 3200 квадрат метр миллий шоири газлама — планлаштирилганидан бир ярим баравар кўп газлама тўқиди. Айни пайтда 300 сўмлик хом ашё тежаб қолинди. Тўқувчи аёл шундай қилиб социалистик мажбуриятнинг иккита муҳим моддасини бажарди.

Тўхта фабрикага бундан ўн йил муқаддам келган эди. Коллективда бу қизни қизғин кутиб олиб, ҳунарни эгаллашга унга кўмаклашдилар. Тўхта Муҳаммадиева зўр иштиёқ билан ишлаб, маҳоратини ошириб борди. Эндиликда унинг шогирдлари бор. Роҳатой Ҳамроқулова энг яхши шогирдларидан бири. Ҳозир у социалистик мусобақада ўз мураббийсининг энг асосий рақибидир. Уларнинг ҳар иккаласи шахсий беш йилликларини бажардилар. Тўқувчилар СССР янги Конституциясининг бир йиллигига яна биттадан йиллик нормани бажариш мажбуриятини олдилар.

(ЎзТАГ).

2 ТОШКЕНТ бет ОҚШОМИ

18 ИЮЛЬ, 1978 й.

Тошкент оқшомида босилганидан кейин

«СОТИШ МАН ЭТИЛГАН ЖОЙДА»

Бешёғоч бозорининг Кўкчадаги филиалида тонгданоқ айрим одамлар эски ва ҳидланган гўштдан тайёрланган турли таомлар сотиб, касалликлар тарқалишига сабабчи бўлаётганлари таниқли қилинган эди. Бошқа ташкилотлардан олинган жавоб қаторига бозор дирекцияси ҳам редакцияга жавоб йўллаб, бу борада чора кўрилганини айбдорларга жазо берилгани ва аҳолига хизмат кўрсатиш бўйича тадбирлар белгиланганини хабар қилди.

«ЧАЛА ҚОЛГАН ИШ»

Газетанинг 9 июнь сонида Ленин районидаги Лазо кўчасида боғча қурилишини олиб бораётган 5-қурилиш бошқармасининг бинокорлари қурилиш чиқитларини вақтида олиб кетмаётганликлари танқид қилинган эди.

Ленин район ижроия комитетидан маълум қилинишича, бу масалада чора кўрилган.

«ШАМНИНГ БОЗОРИ ЧАҚҚОН»

Газета материалларидан бирида Чилонзордаги Шарқ тонги кўчасида электр чироқлари нормал ишламаётгани танқид қилинган эди.

Район ижроия комитетидан олинган жавобда бу масалада чора кўрилгани, ҳозир кўчанинг барча ҳонадонларида чироқ нормал ишлаётгани хабар қилинди.

«ҚУРИЛИШДА СОКИНЛИК»

Шу сарлавҳа остида газетанинг 17 апрель сонида Тошкентдаги мороженое фабрикаси қурилиши ҳаддан зиёд чўзиб юборилаётгани танқид қилинган эди.

3-қурилиш трестидан олинган жавобда бу масалада чора кўрилгани, қурилиш суръати нормал олиб борилиши учун зарур тадбирлар белгиланган маълум қилинган.

10 Справкалар бюроси

ХАТЛАРГА ЖАВОБ БЕРАМИЗ

С. ОТАБОЕВ: Ўғлимиз Шуҳратжон пионер активи бўлганлиги учун унга «Артек» пионер лагерига йўлланма беришди. Бизда ана шу ажойиб пионер лагерининг тарихи билан қизиқиш иштиёқи туғилиб қолди. Илтимос, ана шу ҳақда маълумот берсангиз.

Жавоб: 1925 йилнинг 16 июнида Айиқ тоғ бағрида алвон-ранг пионер байроғи кўтарилди. «Артек» пионер лагери шу йўсинда очилди. Таниқли врач, Совет Қизил Крестининг биринчи раиси З. П. Соловьев унинг ташкилотчиси бўлди. РКП(б) Марказий Комитети ёш пионерларнинг саломатлиги учун хизмат қиладиган махсус лагерни ташкил этиш тўғрисида ғамхўрлик қилишни З. П. Соловьевга топширган эди.

Шуниси характерлики, «Артек» очилган чоғда ҳар бирига 20 нафардан болалар сиғадиган тўртта палатқадан иборат эди.

...«Артек» уруш йилларида жуда вайрон бўлди. Нодир ҳайкаллар бузиб юборилди. Уруш бошлангунга қадар Совет ҳукумати томонидан «Пионер республикасига» совға тариқасида топширилган меъмор Красновнинг ижодига мансуб бўлган ажойиб сарой бутунлай ўт ичида қолиб кетди. 1944 йилнинг баҳорида совет жангчилари Гурзуф водийсини фашист босқинчиларидан озод қилдилар. Ялтага олиб борадиган йўлларда уруш давом этаётган бир пайтда лагерда тиклаш ишлари бошлаб юборилди. 6 август куни қайтадан тикланган «Артек» дастлабки 500 болани ўз бағрига олди.

Бугунги «Артек» пионер активларининг мактаби. Бутунittифоқ ва халқаро болалар шифо топадиган ажойиб маскандир. Бу ерда 375 бино ва иншоотлар, парклар, стадионлар бор. Лагерда жуда катта соғломлаштириш комплекси ишлаб турибди. «Артек» кучоғида жаҳоннинг 105 мамлакатидан қарийб ярим миллион бола дам олиб қайтди.

* * *

Б. РАҲИМОВ: Ҳурматли редакция! Менга рус чолғу асбобларидан бири — гитаранинг тарихини билишга жуда ҳам қизиқтиряпти. Шу ҳақда маълумот бера олмайсизми?

Жавоб: Гитара — чертиб чалинадиган музика асбобидир. Гитара ҳақидаги дастлабки маълумот XIV—XV асрларга оид Европа манбааларида учрайди. Унинг бир неча тури бор. Испан гитараси (олти торли, асосан квартадар бўйича созланади) XVI аср охиридан Испанияда кенг тарқалган, кейинроқ Европа ва Америкага ёйилган. Россияда эса XVIII асрнинг иккинчи яримида пайдо бўлган. Рус гитараси (етти торли, созланиши ҳам оддий, асосан мажор уч товушлилигида) Россияда энг севимли чолғу асбоби бўлиб қолган.

КЎЧА ТАСОДИФЛАРГА ТУЛА

ГАИ АХБОРОТИ

Сергели районидаги Йўлдош шаҳарчасининг кўчаларидан бирида икки киши учраши қолди. Михаил Жетисов ва Александр Бельяновлардир. Ҳайдовчи М. Жетисов «Восход» мотоциклини бошқараётганлиги учун ҳам иккинчи кишига нисбатан устунлик қилди. Агарда мотоциклчи М. Жетисов ва йўловчи А. Бельянов спиртли ичимлик отиб олишмаганида балки бир-бирлари билан «учрашмаган» бўлишар эди.

Ичкилик оқибатида мотоциклчи йўловчини уриб кетди. А. Бельянов жароҳатланди. М. Жетисов бўлса Тошкент шаҳар Давлат автомобиль инспекциясининг қарори билан икки йил муддатга транспорт ҳайдаш ҳуқуқидан маҳрум этилди ва йигирма сўм жарима пули тўлади.

• *Олимлар изланиши*

МОЛЕКУЛАНИНГ ПУЛЬСЛАНИШИ

СССР Давлат ихтиро ва кашфиёт ишлари комитетида физика билан химия ўртасидаги илмий кашфиёт рўйхатга олинди. Молдавия СССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси И. Б. Берсукер молекулаларда принципиал янги ҳаракат турини топди.

И. Б. Берсукер Молдавия ССР Фанлар академиясининг химия институтида ўтказган кўп йиллик тадқиқотлари чоғида молекула ва кристалларда ўзига хос тормозланган ҳаракатларни пайқади. Бундай ҳаракатларни пульсланиш сифатида аққол тасаввур этиш мумкин. Бунда молекула турли йўналишларда дам-бадам чўзилиб ва сиқилиб туради.

Кашфиётнинг аҳамияти жуда катта. Пульсланувчи ҳаракат модданинг оптик, магнитавий, электрик, термодинамик ва химиявий хоссаларига қаттиқ таъсир кўрсатиши аниқланган.

Автор кашфиёт асосида физика, химия, биологияда бир қанча янги ҳодисалар ва қонуниятлар бўлишини олдиндан айтди ва бу гаплар кейинчалик экспериментлар билан тасдиқланди. У электроника, электрооптика, электроакустика ва ҳисоб машиналарида кенг кўламда қўлланувчи кристалларнинг сегнетоэлектрик хоссалари қандай келиб чиққанлигини илк бор тушунтириб берди. Муайян температураларда шундай хоссаларга эга бўлган қаттиқ жисмлар қутбланади ва уларнинг юзида электр зарядлари пайдо бўлади. И. Б. Берсукер ўтказган тадқиқотлар қутбланиш — кристалл элементлар катакларининг пульсланувчи ҳаракати ҳамда уларнинг ўзаро таъсири натижасида эканлигини кўрсатди.

Пульсланувчи ҳаракатларнинг характерини билиш хоссаси олдиндан белгиланган материаллар яратиш мақсадида илмий асосланган изланиш олиб боришга имкон беради, биологик системалар активлиги табиатини тушунишга ҳамда химиявий реакциялар механизмини очишга ёрдам беради.

Олим ишлаб чиққан янги ҳодиса назарияси совет ва чет эл илмий адабиётида эълон қилинди, монографиялар ва дарсликларга киритилди.

ТАСС.

ЖАҲОН ОЙНАСИ

МУҲИМ ВАЗИФА

АДДИС-АБЕБА. Эфиопия муваққат ҳарбий маъмурий кенгаши доимий комитетининг аъзоси Легессе Асфау айтдики, марксизм-ленинизм идеологиясига амал қилувчи ишчилар синфининг етакчи партиясини тузиш Эфиопия революциясининг муҳим вазифасидир. Ҳозирги шароитда меҳнаткаш халқнинг бирлашган революцион фронтини мустаҳкамлаш зарур.

Эфиопиянинг Америка империализми ва НАТОга аъзо бўлган мамлакатлар томонидан гиж-гижланаётган душманлари, деди Л. Асфау, тарих ғилдирагини орқага қайтариш, Эфиопияда революция жараёнида тўхтатиш йўлидаги уринишларидан қайтмаётирлар, лекин ўтган тўрт йил ичида революция анча мустаҳкамланиб олди ва ҳозирги вақтда барча прогрессив кучларни бирлаштиришга муваффақ бўлинди. Бироқ кенг халқ оммаси ҳали узоқ ва қаттиқ кураш олиб бориши керак, бу кураш сиёсий онгликни оширишни, жипслик ва уюшқоқликни талаб қилади.

Эфиопия революцияси кучининг гарови яна шундан иборатки, деди Л. Асфау, уни социалистик ҳамдўстлик давлатлари, жаҳондаги барча прогрессив кучлар қўллаб-қувватламоқда. Бу эса Эфиопия билан социалистик мамлакатлари ўртасида дўстлик ва ўртоқлик муносабатларини янада ривожлантиришнинг мустаҳкам негизидир.

◆ МАДАНИЯТ ЯНГИЛИКЛАРИ

МЕҲНАТКАШЛАР БИЛАН БИРГАЛИКДА

«Чиноз» наслчилик совхозида «Меҳнатга шон— шарафлар» деб аталган кеча бўлиб ўтди. Оталиқ ташкилотнинг — Тошкент трактор заводининг ишчилари кечани ташкил этишда қишлоқ активларига ёрдам бердилар. «Билим» жамияти завод ташкилотининг намояндалари чорвадорларга КПСС Марказий Комитети 1978 йил июль Пленумида ўртоқ Л. И. Брежнев қилган докладида айтиб ўтилган СССР қишлоқ хўжалигини янада ривожлантиришнинг асосий йўналишлари тўғрисида гапириб бердилар.

ДАЛАДА КОНЦЕРТ

«Ленинград» совхозининг ғаллакорлари Жиззах область, Зомин район маданият уйи «Зомин лоласи» бадиий ҳаваскорлик ансамбли иштирокчилари тайёрлаган янги концерт программасининг биринчи томошабинлари бўлишди. Тушлик танаффус вақтида бевосита далада бўлиб ўтган концерт совхоз артистлари томонидан деҳқонларнинг талабларига биноан тузилган эди. Концерт программасига ватанпарварлик ва лирик қўшиқлар, меҳнат аҳлини улуғлайдиган номерлар киритилган эди.

Мана шу қизғин кунларда далада ишлаётган деҳқонларга концерт қўйиб бериш одиқ воқеа бўлиб қолди. Кўриқ областидаги меҳнаткашлар ҳузурида йигирматадан ортиқроқ бадиий ҳаваскорлик коллективлари ўз маҳоратларини намойиш қилмоқдалар.

ЁШ ШОИРЛАР МУРАББИЙСИ


Бухоро районида ёш шоирлар адабий тўгараги тузилган. 75 ёшли Шариф Нурхон бу тўгарак ташкилотчилари ва мураббийларидан бири. У «Ленин йўли» колхозида яшайди. Қариб қолганлигига қарамасдан шу ерда боғбонлик қилади. Шариф Нурхон ишдан бўш вақтларида қўшиқ, ғазал, достонлар тўқийди. У шеъриятга умрбод меҳр қўйган. Азалий деҳқон ўзининг дастлабки шеърларини ўзбек халқига, шод-хуррамлик ва бахт-саодат келтирган Ленинга ҳамда Улуғ Октябрга бағишлаган.

Колхозчи шоирнинг асарлари республика газета ва журналларида тез-тез босилиб туради, алоҳида тўпламлар ҳолида нашр этилган. У ҳозир ўзининг ёш шоирдларига ижодий маҳоратини ўргатмоқда.

(ЎзТАГ).

«Саёҳат» кенгаймоқда

Луначарское шоссесида мавжуд бўлган «Саёҳат» меҳмонхонасининг ёнгинасида яна бир меҳмонхона корпуси бунёд этилмоқда. Ана шу янги бино ишга туширилиши билан «Саёҳат» шаҳримизга келаётган меҳмонларни икки марта кўп қабул қиладиган бўлади. Янги бино «Ташгипрогор» лойиҳа институтининг ходимлари ишлаб чиққан лойиҳа бўйича қад кўтармоқда. Қурилиш ишларини эса «Главташкентстрой»нинг 159-қурилиш трестига қарашли 8-қурилиш бошқармаси олиб боряпти. Шу кунларда объектда деворлар ғиштдан кўтарилаяпти. Кейинчалик иккала корпус яхлит архитектура ансамблини ташкил этади. Қўшимча бино шу йилнинг охирида фойдаланишга топширилади.



Узбекистон Фанлар академиясига қарашли сейсмология институтининг илм аҳли ер қимирлашларини олдиндан билиш борасида кенг кўламда илмий-тадқиқот ишлари олиб бормоқда. Бу соҳада дастлабки бир қанча ижобий натижаларга эришилди.

СУРАТДА: институт қошидаги «Тошкент»марказий сейсмик станцияси инженерларидан Богдан Барзов билан Райҳон Исмоиловалар ер тебранишларини қайд қилувчи приборлар ёрдамида содир бўлган ер тебраниши марказини аниқлаш устида.

М. Нуриддинов фотоси.

Экспозиция бойимоқда

Ўзбекистон ССР Халқ Хўжалиги Ютуқлари виставкасининг кенг истеъмол буюмлари павильони ўзининг ранг-баранг ва нафис экспонатлари билан зиёратчиларнинг диққатини доимо жалб этади. Куни кеча павильонининг бўлимларида бир қатор янги экспонатлар пайдо бўлди. Улардан бири республика Моделлар уйининг чеварлари хонатлас, крепдешин ва шифондан тайёрлаган оқшом либосларидир. Улар модасининг бежиримлиги, материалининг гулдорлиги ва шўхчанг кўриниши билан диққатга сазовор. Бундан ташқари хотин-қизлар учун мўлжалланган енгил пальто ҳам экспонатлар орасидан ўрин олди. Бундан ташқари Чирчиқдаги «Ғунча» фабрикасида болалар учун мўлжалланган тикувчилик буюмлари ўзининг бадиий безалиши билан истеъмолчиларнинг талабига жавоб беради.

Қўқондаги Оҳунбоев номли тикувчилик фабрикасининг эркаклар кўйлаклари шу кунниг талаблари асосида тайёрланган. Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси 50 йиллиги номли тикув ишлаб чиқариш бирлашмасининг чеварлари баҳорги-ёзги мавсумга атаб тайёрлаган энг яхши маҳсулотлари ҳам корхона коллективининг муваффақиятидан далолат беради. Ана шу маҳсулотларнинг ҳаммаси Давлат Сифат белгисини олган. Беш йилликнинг охирига бориб республика тикувчилик саноатининг ҳар учинчи маҳсулоти Давлат Сифат белгиси билан чиқарладиган бўлади.

Павильонда ҳаммага таниш бўлиб қолган «Олимпиада-80» эмблемаси ҳам пайдо бўлди. Ана шу эмблема Ўзбекистон енгил саноатининг трикотаж соҳаси корхоналари ишлаб чиқараётган кўплаб болалар костюмчалари, жемперлари, спорт майкаларини безайди. Бундан ташқари ўзбек озиқ-овқат саноатчиларининг экспозициялари ҳам янги экспонатлар билан бойиди. Миллий таомларга ишлатиладиган хушхўр ва тез ҳазм бўладиган янги мойлар намойишга қўйилган. Қўқон ёғ-мой комбинатида тайёрланаётган бу маҳсулотлар уй бекаларини қувонтиради.

Вашингтонда саросималик


ВАШИНГТОН. АҚШнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ҳузуридаги доимий вакили Э. Янг Америка турмаларида минглаб сиёсий маҳбуслар қамалиб ётибди, деб эътироф қилганлиги Оқ уйдагиларни саросимага солиб қўйди. Янг бундай эътироф қилганлиги, деб ёзади «Вашингтон пост» газетаси, ҳукуматни ғоят ўнғайсиз аҳволга» солиб қўйди. Оқ уйнинг матбуот секретари Ж. Пауэлл Э. Янг айтган бу гап маъмуриятнинг сиёсатини акс эттирмайди» деб у айтган гапни рад қилишга уриниб кўрди.

Янгга нисбатан таҳдид қилишлар кўпайиб кетди. Реакцион сенатор Б. Голдуотер, Янгни вазифасидан бўшатиш керак деди. Сенатор Д. Бартлетт ғазабланиб, инсон ҳуқуқлари тўғрисида мунофиқларча «гамхўрлик» қилиш йўли билан Совет Иттифоқига қарши империалистлар томонидан бошланган душманлик кампаниясига жаҳон афкор оммасини қатнашишга мойил қилиш мақсадида АҚШ томонидан қилинаётган уриништарни Янг «Бутунлай барбод қилганлигини» айтди.

Шу нарса диққатга сазовордирки, Э. Янгни ғазабланиб танқид қилаётганлардан бирортаси ҳам унинг айтган гапларини рад қила олмади. Бунинг сабаблари ҳам маълум. Чунки америкаликларнинг граждалик ҳуқуқлари бостирилаётганлиги ва сиёсий таъқиботлар ҳозирги Америкада кундалик воқеа бўлиб қолди.

Ҳозирги вақтда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг иши билан Женевага келган Э. Янгнинг ўзи айтган гапларини таъкидлади. У Америка турмаларида «сиёсий маҳбусларнинг ҳамма тоифалари бор» деб яна такрорлади.

«Бизнинг турмаларимизда, деди Э. Янг ўзининг интервьюсида, сиёсий маҳбуслар деб айтишим мумкин бўлган юзлаб, эҳтимол ҳаттоки минглаб кишилар бор. Бундан ўн йил муқаддам мен ўзим норозилик ҳаракатини ташкил этганим учун Атлантада судга тортилган эдим».



Ҳиндистоннинг қадимий шаҳарларидан бири Ражастхон штатининг маъмурий маркази Жайпурга кўплаб маҳаллий ва чет эллик туристлар келиб туради. Яқинда бу шаҳар ўзининг 250 йиллик юбилейини нишонлади. Жайпур ўзининг тарихий архитектура ёдгорликлари билан ҳам машҳурдир.

СУРАТДА: Жайпурнинг кўҳна обсерваторияси.

ТАСС фотохроникаси.

РЕАКЦИЯ КИРДИКОРЛАРИГА ҚАРШИ

ПАНАМА. Панамадаги ҳозирги аҳволнинг характерли жиҳати шуки, синфий кураш ғоят кескинлашмоқда.

Чет эл компанияларининг, асосан Америка компанияларининг ҳар томонлама ёрдамига таянаётган ўнг кучларнинг игвогарлик фаолияти мамлакатда катъий зарбага учрамоқда. Панама халқи, деди Даъвен вилоятининг губернатори Оливия Отон хоним, республикада бўлаётган революцион жараённи бутун бор кучи билан ҳимоя қилмоқда ва ҳимоя қилаверади. Оливия Отон ҳукумат бошлиғи О. Торрихосниг Дарьенга келиши муносабати билан ўтказилган оммавий митингда шу гапларни айтди. Биз ҳукуматнинг миллий экономикани ривожлантиришга, давлат корхоналари барпо қилишга, камбағаллар учун уй-жойлар қуришга, соғлиқни сақлаш ва маориф системаларини яхшилашга, қишлоқ хўжалик кооперативлари тузишга қаратилган сиёсатини қўллаб-қувватлаймиз, деди Отон.

Панама халқи мамлакатни ўтмишда бўлганидек, қашшоқлик, очлик, саводсизлик ва ҳуқуқсизлик гирдобига ташлашга уринаётган олигархиянинг ва халқаро империализмнинг кирдикорларига қарши кескин курашаверади, деди халқ вакиллари миллат мажлисининг депутати Берта Кинтана.

О. Торрихос жавоб нутқи сўзлаб, мамлакатда демократик ўзгаришлар ўтказиш йўли муваффақиятли равишда давом эттирилаверади, чунки бу йўлни кенг халқ оммаси қўллаб-қувватламоқда, деб уқтириб ўтди.

ИШСИЗЛИК КУЧАЙМОҚДА

МАДРИД. «Пайс» газетаси хабар қилади: уч вилоят — Аликанте, Валенсия ва Кастельон де Ла Плана вилоятларини бирлаштирувчи Испаниядаги Валенсия областида салкам 110 минг ишсиз бор. Бу — областдаги меҳнатга қобилиятли аҳолининг қарийб 9 процентини ташкил этади. Бу ишсизлар армияси асосан илгари металлургия ва кемасозлик саноати тармоқларида, шунингдек қишлоқ хўжалигида меҳнат қилган кишилардан иборатдир.

ЎНГЛАР ТЕРРОРИ

АНҚАРА. Туркия бош министри Б. Эжевит Анқарадаги «Хожиттепа» университети санъат тарихи факультетининг доценти Бадриддин Жумарднинг ваҳшиёна ўлдирилишини «ғайри инсоний жиноят» деб атади. У Туркия пойтахтининг марказий кўчаларидан бирида ўлдирилганди.

Б. Жумард Туркияда маданият ва санъат масалаларига бағишланган ва юксак инсонпарварлик руҳи билан йўғрилган асарлари билан машҳур эди. Кейинги вақтларда у университетнинг илмий кенгашига аъзо бўлганди, шунингдек университетнинг шу ўқув юртидаги ўнг террорчи гуруҳлар фаолиятини текшириш комиссиясининг аъзоси бўлганди.

Редактор С. М. КАРОМАТОВ.

3 ЮШКЕНТ ОҚШОМИ

18 ИЮЛЬ, 1978 й.

Қадимги ривоятлардан

ДЎСТЛИК МЕВАСИ

ДЎСТЛИК, ҳамжиҳатлик чашмасидан сув ичган кишининг умри роҳат, иши фарогатда ўтади. Унинг кўп фойда ва манфаати бор бўлиб, хурсандликка хурсандлик қўшса, меҳнат ва қийинчиликда ҳамроҳлик ёрдами, ҳамдардлик ва мурувватга етказади.

ҲИКОЯТ. Кашмир ноҳияларидан бирида ниҳоятда яхши, хушхаво бир боғ бўлиб, унда дарахтларнинг кўплигидан бўш ер йўқ эди, худди осмондек кўмкўк, райҳонлар исидан хушбўй, товус қанотидек ранго-ранг манзарали эди. Шунинг учун бу боққа шикор қилиш учун кўплаб овчилар келиб, тузоғлар қўяр эдилар. Кунларнинг бирида шу боғда яшайдиган бир қарға бир баланд дарахт устида уя қурган эди. Ногоҳ у битта тузоғ бўйида, битта тубра орқасида ва бир қўлида таёғи бўлган овчининг шошилинч келаётганини кўриб қолди. Қарға ўзидан хавфсиради ва яширинib кузатиб турди. Лекин овчи дарахтнинг атрофида тўхтаб, бу ерга тузоқ қўя бошлади. Сўнг уни кўмиб, устидан донлар сочиб, ўзи бир четга чиқиб, пойлаб турди. Бир оз вақт ўтгач бир тўда каптарлар учиб келиб, дарахт атрофига қўнишди.

Каптарларнинг Мастуқа исмли зеҳни равшан, зийрак фикрда мукаммал бошлиғи бўлиб, сочилган донни кўрган каптарларнинг нафси васвасага тушганини сезди. Мастуқа каптарларга қараб, озгина тоқат қилиб туришларини сўраб, марҳамат ва шафқат юзасидан насиҳатлар қилди: У: «Яна бу донлар остида тузоқ бўлмасин, эҳтиёт бўлинглар!»— деб огоҳлантирди.

Қушлар: «Эй меҳрибонимиз, биз очмиз, бизга дон керак, бу насиҳат қулоғимизга кирмайди!»,— деган рад жавобни беришди.

Мастуқа билдики, ҳар қанча ваъзу-насиҳат айтганда ҳам буларни қайтариб бўлмайди. Ўзини четга олишга ҳам улгурмай, ёронлари билан бирга тузоқ бандига тушди. Мастуқа зарда билан фарёд қилиб: «Тоқатсизликнинг оқибати хатар демабмидим!»—деди.

Тузоғини пойлаб ўлтирган овчининг шодлик билан чиқиб тузоғи ёнига келаётганини кўриб, банддаги каптарлар ўз жонларидан умидларини узишлар, ҳар қайсиси ўзини қутқазиш ҳаракатига тушдилар.

Мастуқа уларга қаттиқ ҳаракатдан тузоқ осмонга кўтарилса, ҳаммамиз ҳалос бўлсак...»

Каптарлар Мастуқанинг бу сўзини қабул қилиб, бирданига тузоқни кўтариб учиб кетишди. Овчи осмонга қараб, уларнинг кетидан югурар эди. Дарахт устида пойлаб турган қарға буни, яъни каптарлар ҳамжиҳатлик қилиб овчи бақалосидан қутулганларига ҳайрон қолди ва ўз-ўзича: «Мундоқ ҳодисани умримда кўрган эмасман, яхшиси бу ишнинг оқибатини билиб, натижасини ўзим тажриба қилиб олгайман»,— деди ва шу ният билан каптарлар орқасидан учди.

Мастуқа фикри билан овчи балосидан қутилган каптарлар тузоқ баракатидан озмонга кўтарилиб, ҳаммалари ҳам ғалабадан хурсанд бўлиб, ўз маконларига қайтдилар.

Қарға ҳам булардаги дўстлик ва ҳамжиҳатликнинг хосиятларига гувоҳ бўлиб, дўстлар ёнига ўлиб топиш ва уни кўпайтириш лозимлигини дилга ўрнатиб ўз маконига қайтди.

Байт:

Кишининг жаҳонда дўсту ёри йўқ,
Тирик юрса ҳамки жони-молн йўқ.

Усмон КАРИМОВ
тайёрлаган.

СПОРТ

Классик кураш ғолиблари

Мамлакати м и з д а спортнинг турлари ривожланмоқда. Коммунистик партиямизнинг оталарча ғамхўрлиги туфайли республикамиз мактабларида, олий ўқув юртларида спорт соҳасида катта ва талайгина ишлар амалга оширилмоқда. ёшларнинг соғлом, чиниққан, етук кишилар бўлиб ўсиши учун беқиёс имкониятлар яратилмоқда. Бу борада Қизил Байроқли Туркистон Ҳарбий округи спортчилари амалга ошираётган тадбирлар диққатга сазовордир. Хусусан, классик кураш секцияси бўйича ишлар ибратлидир. Курашчилар бир неча йиллардан буён классик кураш бўйича СССР чемпиони А. Я. Абайдуллин тренерлик қилиб келаётир. У классик кураш соҳасида кўп йиллардан бери орттирган бой тажриба ва маҳоратини ишга солиб, спортчиларнинг ҳар жиҳатдан чиниқишларига, уларнинг классик кураш бўйича маҳоратларининг тобора ошишига кўмаклашмоқда.

Ҳозир классик кураш бўйича 80 спортчи шуғулланяпти. Улар орасида таниқли курашчилар бор. Василий Аникин, Аббос Шодиев каби СССР чемпионлари. В. Теплеев, В. Ляпин, Л. Грязнов, А. Серибиядзе, А. Камолов каби СССР спорт мастерлари ана шулар жумласидандир.

Сўнгги вақтларда бу спортчилар ССР Иттифоқи миқёсидаги мусобақаларда қатнашиниб, мукофотларга сазовор бўлдилар. Шу йил апрель ойида Минскда СССР Қуролли Кучлари биринчилиги учун бўлиб ўтган мусобақада Совет армияси терма командасида қатнашган А. Шодиев иккинчи ўринни эгаллади ва кумуш медаль билан мукофотланди. Шунингдек, Запорожьеда СССР биринчилиги учун бўлган кураш мусобақасида эса В. Аникин катта кўрсаткичларга эришди. У ўз вазн тоифасидаги курашчилар устидан ғалаба қозонди ва СССР терма командаси составида жаҳон биринчилиги учун бўладиган классик кураш мусобақасида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди. Спортчиларнинг мусобақаларга яхши тайёрланганлиги учун тренер А. Я. Абайдуллин олтин медаль билан тақдирланди.

А. ПЎЛАТОВ.



«Восток» стадионида чим устида хоккей бўйича район коммунал хўжалик бўлимлари командаларининг шаҳар биринчилиги учун беллашувлар бўлиб ўтди.

СУРАТДА: ана шу мусобақаларда муваффақият билан қатнашган Куйбишев районидаги 31-ЖЭК ўсмирлар командаси.

Р. Альбеков фотоси.

ҲУРМАТЛИ ТОШКЕНТЛИКЛАР!

Сиз албатта ўз квартирангизда электр қувватининг ўчиб қолмаслигини, газ асбоблари бузилмаслигини, телевизорингиз ишдан чиқмаслигини истайсиз. Агарда бундай тасодифлар юз берса, авария хизмати уларни қанчалик тезлик билан тузатиб бериши биринчи навбатда сизнинг ўзингизга боғлиқ. Сиз юз берган камчиликлар ҳақида қанчалик тезлик билан хабар қилсангиз, улар шунчалик қисқа муддат ичида бартараф этилади.

БУГУН ШАҲАРДАГИ БАРЧА АВАРИЯ ХИЗМАТИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИНИ ДИҚҚАТИНГИЗГА ҲАВОЛА ҚИЛИШИМИЗ БИЛАН БИРГА, АНА ШУ ЭЪЛОННИ ҚИРҚИБ ОЛИБ, ДОИМО ФОЙДАЛАНИШ УЧУН САҚЛАБ ҚЎЙИШИНГИЗНИ МАСЛАҲАТ БЕРАМИЗ.

ШУНДАЙ ҚИЛИБ, ўт ўчириш командасини —01, милицияни— 02, тез ёрдамни — 03, газчиларнинг авария бригадасини —04 телефони орқали чақиринг.

Сизнинг квартирангизда иссиқликни таъминловчи «Таштеплосеть» шаҳар корхонасининг авария хизматига қуйидаги телефонлар орқали мурожаат этишингиз мумкин:

32-77-48—Ц—1, Ц—2, Ц—4, Ц—5 кварталларидаги аҳоли учун.

78-40-41, 78-40-76 — Чилонзор массиви аҳолиси учун.

66-10-17, 66-32-58—Шимолий-Шарқ массиви аҳолиси учун.

46-07-14, 46-42-04, 46-52-53— Қорақамиш аҳолиси учун.

46-53-23, 46-53-63— Юнусобод аҳолиси учун.

90-75-11, 90-75-09 — Қўйлиқ массиви аҳолиси учун.

Шаҳар водопровод тармоқларининг ишини таъминловчи «ВОДОКАНАЛ» шаҳар трести бўйича агарда сиз қуйидаги телефонлар орқали марказий диспетчерликка хабар қилсангиз, авария бригадаси зудлик билан етиб келади: 33-15-95, 33-75-95, **бундан ташқари, Куйбишев районидан қуйидаги телефонлар орқали қўнғироқ қилиш мумкин:** 62-19-33, 62-19-34, 62-75-12.

Собир Раҳимов, Октябрь, Акмал Икромов районидан қўйидаги телефонлар орқали: 46-03-85, 46-03-84.

Фрунзе ва Чилонзор районлари — 78-32-40.

Ленин ва Ҳамза районлари — 96-32-40.

Киров райони — 35-14-02, 35-04-01.

КАНАЛИЗАЦИЯ ТАРМОҚЛАРИ ИШЛАМАЙ ҚОЛГАН ТАҚДИРДА ҚУЙИДАГИ ТЕЛЕФОНЛАР ОРҚАЛИ ХАБАР ҚИЛИШИНГИЗ ЗАРУР — **35-61-83** (Киров, Собир Раҳимов районлари); **78-48-85, 78-98-96** (Чилонзор, Акмал Икромов, Фрунзе районлари); **90-04-89** (Ленин, Ҳамза районлари).

АГАРДА СИЗ ГАЗ ПРИБОРЛАРИНИНГ БУЗИЛИБ ҚОЛГАНЛИГИНИ СЕЗСАНГИЗ, ДАРҲОЛ ҚУЙИДАГИ ТЕЛЕФОНЛАР БЎЙИЧА ҚЎНҒИРОҚ ҚИЛИНГ:

Марказий диспетчерлик: 53-56-19, 53-56-31.	**Октябрь райони** — 44-11-79,
Куйбишев райони—35-02-11.	**Ҳамза райони** — 96-39-61,
Ленин райони —33-49-76,	**Собир Раҳимов райони** — 48-35-48,
Фрунзе райони — 56-33-20,	**Сергели райони** — 53-88-52,
Киров райони — 35-06-75,	**Акмал Икромов раойни** — 44-11-49.
Чилонзор райони —77-09-22,	

АГАРДА КЎЧАЛАРНИ ЁРИТИШ ВОСИТАЛАРИ БУЗИЛИБ ҚОЛГАН ПАЙТДА «ГОРОСВЕШЕНИЯ»НИНГ НАВБАТЧИ ДИСПЕТЧЕРЛИГИГА ҚЎНҒИРОҚ ҚИЛИНГ.

Диспетчерлик телефонлари: 33-16-19, 33-35-64.

БУНДАН ТАШҚАРИ СИЗНИНГ БУЮРТМАЛАРИНГИЗ ҚУЙИДАГИ ТЕЛЕФОНЛАР БЎЙИЧА ҲАМ ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ:

Куйбишев райони—62-53-17,	**Киров райони** — 33-16-19,
Октябрь райони—33-16-19,	**Ҳамза райони**— 96-49-52,
Фрунзе райони — 53-17-90.	**Собир Раҳимов райони**— 44-34-62,
Ленин райони — 33-62-07.	**Акмал Икромов райони** — 33-16-19,
Чилонзор райони —76-36-63, 76-53-94,	**Сергели райони** —53-68-63.

УЙ ИЧКИ ЭЛЕКТР ТАРМОҚЛАРИ БУЗИЛИБ ҚОЛГАНИДА ЭЛЕКТР ТАРМОҚЛАРИ БУЗИЛИШИ ШАҲАР ИДОРАСИГА ҚУЙИДАГИ ТЕЛЕФОНЛАР ОРҚАЛИ ХАБАР ҚИЛИНГ:

Марказий диспетчерлик — 33-78-46.

Ленин, Ҳамза районлари — 91-23-21.

Киров, Куйбишев районлари — 66-03-01.

Октябрь, Собир Раҳимов, Акмал Икромов районлари — 46-05-31.

Фрунзе, Чилонзор районлари — 77-19-72.

Сергели райони — 53-68-63.

ШАҲРИМИЗ КЎЧАЛАРИ, МАГИСТРАЛЛАРИНИ ОБОДОНЛАШТИРИШДА ҚАНДАЙДИР НОЖЎЯ, БЕТАРТИБ ИШЛАР СОДИР БЎЛГАН БЎЛСА, ШАҲАР ОБОДОНЛАШТИРИШ БОШ БОШҚАРМАСИНИНГ МАРКАЗИЙ АВАРИЯ — ДИСПЕТЧЕРЛИК ХИЗМАТИГА БУ ҲАҚДА ХАБАР ҚИЛИНГ. **Унинг телефонлари:** — 33-44-44, 33-55-55.

ШАҲАР УЙ-ЖОЙ БОШҚАРМАСИНИНГ ЎЗ ИХТИЁРИДА АВАРИЯ ХИЗМАТИ БОР: **Унинг телефонлари:**

Марказий диспетчерлик — 33-37-88,	**Чилонзор райони** —78-52-66,
Ленин райони — 33-56-79,	**Ҳамза райони** — 56-54-39,
Фрунзе райони —56-54-39,	**Собир Раҳимов райони** — 48-43-10.
Куйбишев райони—33-11-86.	**Акмал Икромов райони** — 78-52-66,
Киров райони— 33-73-19,	**Сергели райони** — 56-54-39.
Октябрь райони—44-29-74,	

СИЗ ЯШАЁТГАН КЎП ҚАВАТЛИ БИНОДА ЛИФТ БУЗИЛИБ ҚОЛСА «ЛИФТРЕМОНТ» РЕМОНТ-ҚУРИЛИШ БОШҚАРМАСИГА ҚУЙИДАГИ ТЕЛЕФОН БЎЙИЧА ХАБАР ҚИЛИНГ: **44-25-28.**

Бирлашган қозонхоналар дирекцияси авария хизматининг ҳам телефони бор: 44-15-08.

СИЗНИНГ ТЕЛЕФОНИНГИЗ СИНИБ ҚОЛСА ҚУЙИДАГИ НОМЕРЛАР БЎЙИЧА БУЮРТМАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ:

АТС — 33, 32, 35, 56—35-99-11,	48-99-11,
АТС—39 —39-81-11,	АТС — 53, —53-19-00,
АТС—90, 91, 96—96-64-64,	АТС — 62, 66—62-64-64,
АТС —41, 44, 48, 46 —	АТС—76, 77, 78— 78-19-00,
	АТС—24— 29-19-00.

ТОШКЕНТ ШАҲАР ИЖРОИЯ ҚОМИТЕТИ ОБОДОНЛАШТИРИШ БОШ БОШҚАРМАСИНИНГ МАРКАЗИЙ АВАРИЯ-ДИСПЕТЧЕРЛИК ХИЗМАТИ.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳунар-техника таълими давлат комитетининг

М. З. МИРЗААҲМЕДОВ НОМЛИ 4-ШАҲАР ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА АЛОҚА БИЛИМ ЮРТИ

1978—1979 ЎҚУВ ИЛИГА

УҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

ЎҚИШГА ЎЗБЕК ВА РУС ТИЛИДА 8-СИНФНИ ТАМОМЛАГАНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

БИЛИМ ЮРТИ ҚУЙИДАГИ МУТАХАССИСЛИКЛАР БЎЙИЧА МАЛАКАЛИ ИШЧИ КАДРЛАР ТАЙЁРЛАЙДИ: кабелчи-пайвандчи, телефон ускуналарини монтаж қиладиган алоқа монтажчиси, қишлоқларни телефонлаштириш ва радиолаштириш монтёри, автомат телефон станциялари ускуналари монтёри, қишлоқ телефон алоқаси станцияси ускуналари монтёри, телеграф алоқаси станцияси монтёри, гидрометеорология хизмати радио-оператори, шаҳарлараро телефон алоқаси станцияси ускуналари монтёри.

Билим юртини тамомлаган йигит-қизлар ўрта маълумот ҳамда мутахассислик бўйича диплом оладилар.

Ўқишга 15—15 ярим ёшдаги ўсмирлар ва қизлар қабул қилинади.

Шаҳар ташқарисидан ўқишга келган ўғил болалар ётоқхона билан таъминланади.

Ўқувчилар давлат таъминотида бўладилар.

Ўқиш муддати ион стажига ўтади.

Машғулотлар биринчи сентябрдан бошланади.

Ўқишга кириш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим: директор номига ариза, мактабдан характеристика, туғилганлик тўғрисида гувоҳнома (кўчирмаси), маълумоти ҳақида гувоҳнома (асли), турар жойи ва ота-онасининг иш жойидан справка, 6 та фотосурат (3х4 см.), медицина ,справкаси (286-форма).

Билим юрти адреси: Тошкент шаҳри, Пушкин кўчаси, 7-уй. Телефонлар: 33-07-77, 33-07-65, 33-07-85, 33-07-44.

ТОШКЕНТ ШАҲАР ИЖРОИЯ КОМИТЕТИНИНГ САВДО БОШ БОШҚАРМАСИ

«Ё Ш Л И К» МАКТАБ-МАГАЗИНИ

ОЗИҚ-ОВҚАТ МОЛЛАРИ БИЛАН САВДО ҚИЛУВЧИ КИЧИК СОТУВЧИЛАРНИ ТАЙЁРЛАЙДИГАН



6 ОЙЛИК КУРСЛАРГА ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

8—10 синф ҳажмида маълумотли 16 ёшдан 25 ёшгача бўлган тошкентлик қизлар имтиҳонсиз қабул қилинадилар.



БИР ВАҚТНИНГ ЎЗИДА ЁШИДАН ҚАТЪИЙ НАЗАР КАССИРЛАР ТАЙЁРЛАЙДИГАН БИР ОЙЛИК КУРСЛАРГА ҲАМ ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛИНАДИ

ЎҚУВЧИЛАРГА ҲАР ОЙДА 64 СЎМДАН СТИПЕНДИЯ ТЎЛАНАДИ.

ЎҚИШ ВАҚТИ МЕҲНАТ СТАЖИГА ҚЎШИЛАДИ.

ЎҚУВЧИЛАР АЙНИ БИР ВАҚТДА КЕЧКИ МАКТАБДА ЁКИ САВДО ТЕХНИКУМИДА ЎҚИШЛАРИ МУМКИН.

МАКТАБ-МАГАЗИННИ ТАМОМЛАБ ЧИҚҚАНЛАР КАТТА МАГАЗИНЛАРГА ИШЛАШ УЧУН ЮБОРИЛАДИ ВА УЛАРГА СОВЕТ САВДОСИ ТЕХНИКУМИНИНГ КЕЧКИ ЁКИ СИРТҚИ ҚЎЛИМИГА КИРИШДА ИМТИЁЗЛАР БЕРИЛАДИ.



ҚУЙИДАГИ АДРЕСГА МУРОЖААТ ҚИЛИНСИН: Тошкент шаҳри, Кафанов кўчаси, 65-уй (2, 5, 8, 9, 10, 12, 1, 24, 28-трамвайлар, 2, 3, 9, 22, 55, 80-автобусларнинг «Госпиталь бозори» бекати) 33-75-48 телефони бўйича справкалар олиш мумкин.



Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳунар-техника таълими давлат комитетининг 1-пойафзал фабрикаси қошидаги 143-ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1978—79 ўқув йилига

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

БИЛИМ ЮРТИДА ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛАР БЎЙИЧА МАЛАКАЛИ МУТАХАССИСЛАР ТАЙЁРЛАНАДИ: **пойафзал бошлиғини бичувчи** (ўқиш муддати — 2 йил), **чарм кесувчи** (1 йил), **заготовка тикувчи** (2 йил), **силлиқлаш ишини бажараоладиган пойафзал фрезерчиси** (1 йил), **пойафзал деталларини мустаҳкамлаш ишини биладиган пойафзал затяжкачиси** (2 йил), **контролёрлар** (2йил), **слесарь-ремонтчи** (2 йил), **пойафзал тагидаги деталларни мустаҳкамловчи** (1 йил).

Билим юрти қошида ўқувчиларнинг маданий ҳордиқ чиқаришлари учун пойафзалчилар маданият уйи ва унда туристик, спорт ва ҳаваскорлик тўгараклари мунтазам ишлаб турибди.

Билим юртига қабул қилинганлар тўла давлат таъминотида бўлиб, уч маҳал овқат, кийим-бош, практикада ишланган иш ҳақининг бир қисмини оладилар.

БИЛИМ ЮРТИНИ БИТИРГАНЛАР 1-ПОЙАФЗАЛ ФАБРИКАСИДА ИШЛАЙДИЛАР.

Билим юртига 8—9—10-синф ҳажмида маълумоти бўлган 15 ва ундан катта ёшдаги йигит-қизлар қабул қилинади.

Билим юрти қошида ишчи-ёшлар мактаби бор.

Ўқиш — 1 сентябрдан бошланади.

Билим юртини яхши ва аъло баҳолар билан битирган ўқувчиларга техникум ва институтларга йўлланма берилади.

Ўқишга киришни хоҳловчилар қуйидаги ҳужжатларни тақдим қилишлари лозим: директор номига ариза, маълумоти ҳақидаги ҳужжат, туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома ёки паспорт, турар жойидан ва саломатлиги ҳақида справкалар, 6 та фотосурат (3х4 см.). ўқиш ёки иш жойидан характеристика.

ҲУЖЖАТЛАР ЯКШАНБАДАН ТАШҚАРИ ҲАР КУНИ ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Бизнинг адресимиз: Тошкент шаҳар, Богдан Хмельницкий кўчаси 6-уй (84, 131, 122, 103-автобуслар, 2, 6, 14-троллейбусларнинг «Пойафзал фабрикаси» бекати).

ФРУНЗЕ САВДО МАРКАЗИ

ҲУРМАТЛИ ҚИЗЛАРНИ

ЎҚИШГА ТАКЛИФ ЭТАДИ

Сиз мактабни тугатдингиз, эндиликда олдингизда касб танлаш ва уни ўрганиш вазифаси турибди.

Ҳозирги пайтда сотувчилик касби жуда оммалашган. Бу касб унинг эгасидан махсус билимлар, тажриба, меҳнат кўникмаси, инсонларга нисбатан меҳрибон ва ғамхўр муносабатда бўлишни тақозо этади.

Ўз ишининг чинакам устаси бўлиш учун ўз билимини узлуксиз такомиллаштириб бориш, ўқиш керак.

Сиз ўқишнинг 6 ой муддати давомида саноат моллари, маданий ва уй-рўзғорда ишлатиладиган молларни сотиш касбини эгаллаб оласиз.

Савдо марказидаги сотувчилик курсларига 18 дан 25 ёшгача бўлган 10 синф ҳажмида маълумотли, Тошкент шаҳрида доимий пропискаси бўлган қизлар кириш имтиҳонларисиз қабул қилинадилар.

Сиз ишлаб чиқариш таълими мастерлари ва тажрибали ўқитувчилар раҳбарлигида ишингизда керак бўладиган барча билим ва меҳнат маҳоратини эгаллайсиз.

Ўқувчилар ойига 54 сўмдан 63 сўмгача стипендия билан таъминланадилар.



Фрунзе савдо марказининг маъмурияти сотувчилик ихтисослигини эгаллаган ўқувчиларининг ўрта ва олий ўқув юртларида ўқишни давом эттиришга бўлган иштиёқларини қўллаб-қувватлайди.

Ўқишга кириш учун қуйидаги ҳужжатлар керак: ўрта маълумот тўғрисида аттестат, паспорт, мактабдан характеристика, бор бўлса меҳнат дафтарчаси, турар жойидан справка, 2 та фотосурат.

ЎҚУВЧИЛАР ЎҚИШНИ БИТИРГАНЛАРИДАН КЕЙИН ФРУНЗЕ САВДО МАРКАЗИДА ИШЛАЙДИЛАР.

Қабул масалалари бўйича қуйидаги адресга мурожаат этилсин: Тошкент шаҳри, Ш. Руставели кўчаси, 53-уй, кадрлар бўлими (2, 3, 18, 50, 54, 57,58-автобуслар, 2, 6, 13, 14, 15, 16-троллейбуслар, 7, 9, 11, 14, 24, 28-трамвайларнинг «Театральная» бекати).

«УЗТОРГРЕКЛАМА» ФРУНЗЕ САВДО МАРКАЗИ ТЕЛЕПРЕССАГЕНТЛИГИ.

КИНО

18 ИЮЛДА

ҚИШКИ БИНОДА

САНЪАТ САРОЙИ— **Хизматдош ошиқлар қиссаси** (18.30).

Жандарм уйланади— «ЧАЙКА» (17.30, 19, 20.30, 21.45), «МОСКВА» (17.45, 19.30, 21.15), «ВОСТОК» (18, 20, 21.30).

Муҳаббат—бу ҳаётдир. «КУКЧА» (17, 20.00), «ДРУЖБА» (17, 18, 20, 21.30), «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ИЙЛЛИГИ» (18.30, 21.00), «НУКУС» (18.30, 21.00), ҲАМЗА номли (18, 21.00), «ҚОЗОҒИСТОН» (17, 18, 20, 21.00).

Сўнгги отишма — «КОМСОМОЛ 30 ИЙЛЛИГИ» (жуфт соатларда), «МИР» (тоқ соатларда), «ЎЗБЕКИСТОН 25 ИЙЛЛИГИ» (17.30, 19, 21.00), «ЛИСУНОВ номли (тоқ соатларда).

Ҳақиқий тўполончилик ва бошқалар— «ЯНГИОБОД» (тоқ соатларда).

ЕЗГИ БИНОДА

(20,50 ва 22.30 да бошланади)

Жандарм уйланади — «ФЕСТИВАЛЬ».

Менга қайнона бўлинг — «ХИВА».

19 ИЮЛДА

ҚИШКИ БИНОДА

САНЪАТ САРОЙИ— **Хизматдош ошиқлар қиссаси** (11, 13.30, 16, 18.30).

Жандарм уйланади — «ЧАЙКА» (11.30, 13, 14.30, 16, 17.30, 19, 20.30, 21.45), «МОСКВА» (12, 14, 16, 17.45, 19.30, 21.15), «ВОСТОК» (10.20, 13, 14, 16, 18, 20, 21.30).

Муҳаббат— бу ҳаётдир «КУКЧА» (11, 14, 17, 20.00), «ДРУЖБА» (11, 12, 13, 14, 17, 18,20, 21,30), ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ИЙЛЛИГИ номли (11.15, 13.30, 16, 18.30, 21.00), «НУКУС» (11, 13.30, 16, 18.30, 21.00), ҲАМЗА номли (11, 13.30, 16, 18, 21.00), «ҚОЗОҒИСТОН» (11, 12, 14, 15, 17, 18,20, 21.00).

Сўнгги отишма — «КОМСОМОЛ 30 ИЙЛЛИГИ» (жуфт соатларда), «МИР», ЛИСУНОВ номли (тоқ соатларда), «ЎЗБЕКИСТОН 25 ИЙЛЛИГИ» (11.30, 13, 14, 16, 17.30, 19, 21.00).

Россия империясининг тожи — «ИСКРА» (17, 19.30).

Ҳақиқий тўполончилик ва бошқалар— «ЯНГИОБОД» (тоқ соатларда).

ЕЗГИ БИНОДА

(20.50, ва 22.30 да бошланади)

Жандарм уйланади— «ФЕСТИВАЛЬ».

Кордаги уч ниши— «ХИВА».

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳунар-техника таълими давлат комитети ТОШКЕНТ ШАҲРИДА ЯНГИ ТАШКИЛ ЭТИЛГАН

171-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1978— 1979 ўқув йилига

Қўйидаги мутахассисликлар бўйича

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Бўёқчилар, бўёқчи-альфрейшчиклар, суворқчилар, қурувчи-дурадгорлар, электромонтажчилар, саноат ускуналарини тузатиш бўйича слесарлар, электр пайвандчилар, ғишт терувчи, монтажчилар, дурадгор-паркетчилар.

Ўқиш муддати— 1-2-3 йил.

Билим юртига 8— 10-синф ҳажмида маълумотли, 15 ва ундан катта ёшда бўлган йигит-қизлар қабул қилинади.

3 йиллик ўқишни тамомлаганларга ўрта маълумот тўғрисидаги аттестат ва ҳунари бўйича аттестат берилади.

Ўқишга қабул қилинганлар уч маҳал иссиқ овқат, кийим-кечак ҳамда ишлаб чиқариш практикаси давридаги иш ҳақи билан таъминланадилар.

Билим юртини аъло баҳолар билан тугатганлар ўрта ва олий ўқув юртларига имтиёзли шартлар билан қабул қилинадилар.

Кириш ҳақидаги ариза директор номига ёзилиб, қуйидаги ҳужжатлар билан қушиб топширилади: туғилганлиги ҳақидаги гувоҳнома ёки паспорт, маълумоти ҳақидаги ҳужжат, соғлиғи ҳақида справка, 6 дона фотосурат (3х3 см.), турар жойидан справка, мактабдан характеристика, автобиография.

Ҳужжатлар соат 9.00 дан бошлаб қабул қилинади.

Билим юртининг адреси: 700081, Тошкент шаҳар-81, Домборобод кўчаси 74-уй (54, 33, 50, 84, 70, 34, 103, 80-автобусларнинг «16 поликлиника», 16-троллейбуснинг «Домборобод» бекатлари). Телефон: 77-49-53.

ТОШКЕНТДА БИРИНЧИ МАРТА

С. М. КИРОВ НОМЛИ МАДАНИЯТ ВА ИСТИРОҲАТ БОҒИДА

ҲАР КУНИ СОАТ 11.00 ДАН 22.00 ГАЧА

болалар ва катталар учун аттракционли автомат ўйинлар: «МАСТЕР-ПИЛОТ», «АВТОРАЛЛИ», «МОРСКОЙ БОЙ», «ПОДВОДНАЯ ОХОТА», «ПОДВОДНАЯ ЛОДКА», «БАСКЕТБОЛ», «МЕТКИЙ СТРЕЛОК»

И Ш Л А Й Д И

Бундан ташқари боғда «АВТОДРОМ», «КОЛЕСО ОБОЗРЕНИЯ», «РОМАШКА», «КАРУСЕЛЬ ВЕТЕРОК», «КАЧЕЛИ», ТЕННИС ЗАЛИ МАВЖУД.

Кечки пайт боғнинг ёзги эстрадасида шаҳардаги энг яхши бадиий ҳаваскорлик тўгараклари, кўғирчоқ театри, артистлар, духовой оркестр, ҳайвонот боғидаги ҳайвонлар театрининг чиқишлари бўлади.

БОҒИМИЗГА МАРҲАМАТ ҚИЛИНГ!

ТЕЛЕВИЗОР ЭКРАНИДА

18 ИЮЛЬ — СЕШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

18.00 «Ўз резервларимиз». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси. 18.30 Янгиликлар. 18.45 С. Прокофьев, А. Хачатурян, Д. Кабалевский асарларидан концерт. 19.00 «Совет телевидениесида Буюк Британия ҳафталиги». «Ковентри— Волгоград. Биродарлашган шаҳарлар». 19.30 «Уильям Шекспир». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси (Англия). 1 ва 2-серялар. 21.30 «Вақт» информацион программаси. 22.00 Футбол бўйича СССР кубоги учун. Ярим финал. «Шахтёр» — «Локомотив». Донецкдан олиб кўрсатилади. 23.45 Янгиликлар.

Узбекистон телевидениесининг программаси

17.50 Кўрсатувлар программаси. 17.55 ВЛКСМ 60 йиллигига. «Биз сенинг содиқ ўринбосарларингмиз, комсомол». 18.25 М. Равель. «Болеро». Фильм-балет. 18.40 «Жанговар постда». 19.15 «Ахборот» информацион программаси (рус.). 19.30 «Кино ҳақида суҳбатлашамиз» (рус.). 20.30 «Ахборот» информацион программаси. 20.50 Бухоро область Свердлов районидаги «Дилдор» ҳаваскорлик ансамблининг концерти. 21.30 Москва. «Вақт» информацион программаси. 22.00 «КПСС Марказий Комитети июль Пленуми қарорлари— ҳаётга!». «Ғўза парваришини сифатли ўтказайлик». 22.15 «Телевидение экранида биринчи марта». «Мени йўқ бўлиб кетган десалар, ишонма». Бадиий фильм. 23.30 Чим устида хоккей бўйича СССР чемпионати. Биринчи лига. «Политехник» (Тошкент)— «Хосилот» (Душанбе). «Политотдел» стадионидан репортаж (ёзиб олинган). 24.00 Кўрсатувлар программаси.

Тошкент шаҳри ва Тошкент области учун программа

ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

18.55 Кўрсатувлар программаси. 19.00 «Тоғларда қолди менинг қалбим». Бадиий фильм. 20.20 «Автоҳаваскорлар, ёдингизда бўлсин», «Тасодифий воқеа». Ҳужжатли фильмлар программаси. 20.50 Тошкент янгиликлари. 21.10 Абитуриентлар учун. Физика (рус.). 22.10 «Мария Биешу». Фильм-концерт.

Ўрта Осиё медицина педиатрия институти коллективи биология кафедрасининг мудири, профессор А. Т. Оқиловга ва 2-госпиталь педиатрияси кафедрасининг доценти А. Т. Оқиловга онаси

Башоратхон НУЪМОНОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент Давлат маданият институти ректорати, партия ташкилоти ўзбек тилшунослиги кафедрасининг катта ўқитувчиси, филология фанлари кандидати Р. Юнусовга онаси

Обида БАРАТОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

4 ТОШКЕНТ бет ОҚШОМИ

18 ИЮЛЬ, 1978 й.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ», («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ») — орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета

БИЗНИНГ АДРЕС: 700,000; ГСП, Тошкент, Ленин проспекти, 41. ТЕЛЕФОНЛАР: секретариат — 33-57-02, бўлимлар; партия турмуши — 32-53-66; саноат 32-53-83; қурилиш 32-58-85; шаҳар хўжалиги — 32-57-83; совет қурилиши ва ҳуқуқ —32-54-19; фан, мактаб ва олий ўқув юртлари— 32-53-10; адабиёт ва санъат— 32-56-81; ахборот — 33-28-95, спорт ва Харбий-ватанпарварлик ишлари — 32-58-85, хатлар — 33-29-70; эълонлар бўлими— 38-81-44.

Р. — 07713. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети Нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64579. Нашр Д—1358.